

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН

Х У К М

2025 йил июнь ойининг 5 куни жиноят ишлари бўйича Эллиққалъа туман суди, ўз биносида, видеоконференцалоқа режими орқали, очиқ суд мажлисида, раислик қилувчи шу туман судининг раиси:- Ш.Розимов, судья ёрдамчилари А.Абдуллаев ва Н.Юлдашеванинг котиблигида, тарафлардан Нукус ҳарбий прокурори ёрдамчиси С.Календеров, судланувчи ХХХХ ва унинг ҳуқуқларини ҳимоя қилган адвокати Н.Сапарниязов, судланувчи ХХХХ ва унинг ҳуқуқларини ҳимоя қилган адвокатлари Р.Курбанов ҳамда П.Абдижамиллов, судланувчи ХХХХ ва унинг ҳуқуқларини ҳимоя қилган адвокати М.Алламуратов, фуқаровий даъвогар АТ “Халқ банки” Қорақалпоғистон Республикаси минтақавий маркази вакили ХХХХ, “O‘ztemir Yo‘lvo‘lovchi” АЖ Йўл ҳужжатларини расмийлаштириш агентлиги Орол бўйи ҳудудий бўлинмаси вакили ХХХХ, жабрланувчи ХХХХ ва унинг ҳуқуқларини ҳимоя қилган адвокати Х.Ахмедов, жабрланувчилар ХХХХ, ХХХХ, ХХХХ ва ХХХХнинг иштирокида, ХХХХ, ХХХХ, ХХХХга оид 1-2316-2501/12-сонли жиноят ишини кўриб чикди. Иш ҳужжатларига кўра:

1. ХХХХ (ХХ)- 1989 йил 25 апрелда Қорақалпоғистон Республикасида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, оилали, тўрт нафар фарзандлари бор, маълумоти олий, илгари АТ “Халқ банки” Эллиққалъа тумани стандарт БХМ бошлиғи бўлиб ишлаган, ҳозирда вақтинча ишсиз, муқаддам судланмаган, Қорақалпоғистон Республикаси, Эллиққалъа тумани, “Сарабий” ОФЙ, Ўқитувчилар кўчаси, 37-уйда доимий рўйхатда туриб, вақтинчалик Эллиққалъа тумани Бўстон шаҳри, “Иқбол” МФЙ, ХХда истиқомат қилади, иш бўйича “гаров” эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов ҳулосаси нусхасини ўз вақтида олган.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 167-моддаси 2-қисмининг “б,в” бандлари, 167-моддаси 2-қисмининг “б,в,г” бандлари, 167-моддаси 3-қисмининг “а” банди билан айбланган.

2. ХХХХ (ХХ)-1985 йил 19 мартда Қорақалпоғистон Республикасида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, оилали, уч нафар фарзандлари бор, маълумоти олий, илгари АТ “Халқ банки” Эллиққалъа тумани стандарт БХМ пенсия ва нафақа тарқатиш бўйича бухгалтер назоратчиси бўлиб ишлаган, ҳозирда вақтинча ишсиз, муқаддам судланмаган, Қорақалпоғистон Республикаси, Эллиққалъа тумани, “Гулдурсин” ОФЙ, Қумбосган кўчаси, 1-уйда истиқомат қилади, иш бўйича “гаров” эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов ҳулосаси нусхасини олган.



Ўзбекистон Республикаси ЖК 167-моддаси 2-қисмининг “в” банди, 167-моддаси 3-қисмининг “а” банди билан айбланган.

3. XXXX (XX)-1998 йил 9 июнда Қорақалпоғистон Республикасида туғилган, миллати қорақалпоқ, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, оилали, икки нафар фарзандлари бор, маълумоти тугалланмаган олий, илгари АТ “Халқ банки” Эллиққалъа тумани БХМ чакана амалиётлар кассаси бўлими универсал касса кассири бўлиб ишлаган, ҳозирда вақтинча ишсиз, муқаддам судланмаган, Қорақалпоғистон Республикаси, Эллиққалъа тумани, Бўстон шаҳри, “Тошкент” МФЙ, ХХда истиқомат қилади, иш бўйича “гаров” эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини олган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 167-моддаси 3-қисмининг “а” банди билан айбланган.

Суд, судланувчилар, фуқаровий даъвогарлар, жабрланувчилар ва гувоҳларнинг кўрсатувларига ҳуқуқий баҳо бериб, жиноят иши ҳужжатлари билан танишиб чиқиб, тарафларнинг музокарасини, ҳамда судланувчиларнинг ҳимоя ва охириги сўзларини тинглаб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

XXXX 2022 йил сентябрь ойидан 2024 йил июль ойига қадар АТ “Халқ банки” Эллиққалъа тумани стандарт банк хизматлари маркази бошлиғи лавозимида ишлаб келиб, банкнинг пенсия ва нафақа тарқатиш бўйича бухгалтер назоратчиси XXXX билан олдиндан жиноий тил бириктириб, ушбу банк балансининг 22812000700000646001 “кафиллик шартномасига асосан кредит ва фоизларни қоплаш” ва банк балансининг “активларни қоплаш” ҳисоб рақамларидаги пулларни гўёки кредит қарздорлиги учун тўланган қилиб кўрсатиб, жисмоний ва юридик шахслардан мажбурий тартибда ундирилган пул маблағларини талон-торож қилишни режалаштиришиб, 2023 йил 28 апрель куни банк мижози бўлган “Во’ston Building Universal” хусусий корхонаси иш юритувчиси Халбаев Муроджон Махсуд ўғлидан мазкур корхонанинг кредит тўлови учун, шунингдек, унинг отаси XXXXнинг банкдан олган ипотека кредити маблағларидан бўлган қарздорлиги учун, XXXXнинг таниши XXXXнинг ипотека кредити қарздорлиги учун ҳамда “Greenhouse Во’ston” ХКнинг кредит қарздорлиги учун жами 120.000.000 сўм миқдоридаги пулларни қўлга киритган.

Бундан ташқари XXXX жиноий қилмишларини давом эттириб, ўзига бириктирилган IABC электрон калити орқали, Мажбурий ижро бюроси Эллиққалъа туман бўлими томонидан суд қарорлари ижроси юзасидан 2022-2023 йиллар давомида ижрога қаратилган субъектларнинг кредит қарздорликларини сўндириш мақсадида банкнинг транзит ҳисоб рақамларига ундирилган пул маблағларини ўзлаштиришни кўзлаб, ушбу пул маблағларини ижро ҳужжатларида кўрсатилган 13 нафар банк мижозларининг жами 2.501.041,22 сўм миқдоридаги пул маблағларини уларнинг кредит



қарздорликлари учун йўналтирмасдан, ушбу пулларни 2023 йил апрель ойидан август ойига қадар бўлган даврда бошқа шахсларнинг кредит қарздорлигини сўндириш учун ўтказиб юбориб, банк балансида бўлган ўзига ишониб топширилган анча миқдорни ташкил қилувчи 102.501.041,22 сўм миқдоридаги пул маблағларини талон-торож қилган.

Шунингдек, ХХХХ жиноий ҳаракатларини давом эттириб, такроран банкнинг чакана амалиётлар кассаси бўлими универсал касса кассири ХХХХ билан олдиндан жиноий тил бириктириб, банк мижози бўлган “Bo’ston Building Universal” хусусий корхонаси иш юритувчиси Халбаев Муроджон Махсуд ўғли томонидан 2023 йил сентябрь-ноябрь ойларида мазкур корхонанинг кредит тўлови учун тақдим қилинган жами 460.000.000 сўм миқдоридаги пулларни кредит қарздорлиги учун банкка кирим қилмасдан ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилишган.

Бундан ташқари, ХХХХ жиноий ҳаракатларини давом эттириб, такроран 2023 йил сентябрь ойида ва 2024 йил 1 март куни “Bo’ston Building Universal” хусусий корхонаси иш юритувчиси ХХХХдан банк мижозларининг банкдан бўлган кредит маблағларини сўндириш учун йўналтириш баҳонасида ундан пул талаб қилиб, олинган пулларни 15 кун ичида корхонанинг ҳисоб рақамига қайтариб кирим қилиб беришини айтиб, ушбу йўл билан унинг жами 560.000.000 сўм миқдоридаги пулларни қўлга киритиб, ушбу пулларни хусусий корхонанинг ҳисоб рақамига кирим қилмасдан ўзининг шахсий эҳтиёжларига ишлатиб юбориб, талон-торож қилган.

Бундан ташқари ХХХХ, жиноий ҳаракатларини давом эттириб, банкнинг чакана амалиётлар кассаси бўлими универсал касса кассири ХХХХ билан олдиндан жиноий тил бириктириб, бир гуруҳ бўлиб, банк мижози бўлган “O’ztemir Yo’lovchi” акциядорлик жамиятининг ҳисоб рақамига кирим қилиш учун 2024 йилнинг март-июнь ойларида инкассация орқали берилган жами 323.597.350 сўм нақд пул маблағларини жамиятнинг ҳисоб рақамига кирим қилмасдан, ўзининг шахсий эҳтиёжларига ишлатиш орқали ушбу пулларни ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилишган.

Шунингдек ХХХХ ХХХХ жиноий ҳаракатларини давом эттиришиб, банк мижози ХХХХ томонидан 28.12.2023 йилда омонатни шакллантириш учун тақдим қилинган жами 27.500.000 сўм миқдоридаги пул маблағларини нақд шаклда банк ҳисоб рақамига кирим қилиб, ушбу пулларни олиб қолиб, шу вақтнинг ўзида омонат маблағларини чиқим қилиб, ушбу ҳолат юзасидан расмийлаштирилган чиқим ордерини ХХХХга имзолатиб олиб қолиб, унинг жами 27.500.000 сўм миқдоридаги пулларини ўзлаштиришган.

Бундан ташқари, ХХХХ жиноий шериги ХХХХ билан бирга жиноий ҳаракатларини давом эттириб, банк мижози ХХХХ томонидан 05.03.2024 йилда омонатни шакллантириш учун тақдим қилинган жами 21.410.000 сўм миқдоридаги пул маблағларини нақд шаклда банк ҳисоб рақамига кирим қилиб, ушбу пулларни олиб қолиб, шу вақтнинг ўзида омонат маблағларини чиқим қилиб, ушбу ҳолат юзасидан расмийлаштирилган чиқим ордерини ХХХХга тушунтирмасдан имзолатиб, унинг жами 21.410.000 сўм миқдоридаги пулларини ўзлаштиришган.



Бундан ташқари ХХХХ, жиноий шериги ХХХХ ва банкнинг чакана бизнес бўлими универсал касса кассири ХХХХ билан олдиндан жиноий тил бириктириб, 2024 йил июнь ойида ХХХХнинг банк кассасидаги жами 55.000.000 сўм миқдоридagi нақд пулларни ХХХХнинг турмуш ўртоғи Абдуллаева Ситора Илхом қизининг номига очилган пластик картасига ўтказишиб, жиноятни яшириш мақсадида, ҳаракатларига қонуний тус беришни кўзлаб, 2024 йил 13 июндан 20 июнга қадар бўлган даврда ХХХХнинг кассасидан жами 11 нафар фуқароларнинг ҳар бирига 5.000.000 сўмдан ажратилган жами 55.000.000 сўм нақд пул кўринишидаги имтиёзли кредит маблағларини фуқароларни хабарисиз ва имзоларисиз банк кассасидан чиқим қилишиб, кассадаги камомадни беркитиш орқали, ўзганинг жами 55.000.000 сўм пул маблағларини ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилишган.

Бундан ташқари ХХХХ 2017 йил ноябрь ойидан 2024 йил май ойига қадар АТ “Халқ банки” Эллиққалъа тумани стандарт банк хизматлари маркази чакана амалиётлар кассаси бўлими универсал касса кассири лавозимида ишлаб келиб, 2023-2024 йилларда жами 55 нафар фуқароларга маҳалла томонидан ажратилган жами 24.057.000 сўм моддий ёрдам учун ажратилган пул маблағларини 2023 йил октябрь ойидан 2024 йил май ойига қадар бўлган давр оралиғида фуқароларнинг хабардорлигисиз, тўлов қайдномаларида уларнинг имзоларисиз банк кассаси орқали нақд пулда чиқим қилиб, ўз эҳтиёжлари учун ишлатиб юборган.

Судланувчи ХХХХ судда айбига қисман иқрорлик билдириб, қуйидагиларни, яъни у 2014 йил декабрь ойидан АТ “Халқ банки” тизимида турли лавозимларда, 2022 йил сентябрь ойидан АТ “Халқ банки” Эллиққалъа стандарт банк хизматлари маркази бошлиғи вазифасини вақтинчалик бажарувчи бўлиб, кейинчалик эса 2023 йил март ойидан 2024 йил июль ойига қадар АТ “Халқ банки” Эллиққалъа стандарт банк хизматлари маркази бошлиғи лавозимида ишлаганини, хизмат вазифаларига банк кўрсаткичларини яхшилаш, муаммоли кредитларни камайтириш, банк даромадларини ошириш ва шунга ўхшаш бошқа вазифалар ҳам кирганини, мазкур жиноят иши бўйича аудит текширувлари ўтказилганлигини ҳамда аниқланган камчиликлар ва бошқа ҳолатлар бўйича хулосалар қабул қилиниб прокуратурага тақдим қилинганлигини, бундан ташқари ХХХХ билан пул маблағларини қарз сифатида олганлигини, мажбурий ижро бюроси томонидан ўтказилган 102.000.000 сўм пул маблағлари тўланиши лозим бўлган шахслардан бошқаларниқига тўланиб кетилганлик ҳолатига алоқаси йўқлигини ва хабари бўлмаганлиги, у тизимни хатоси эканлигини, бу нарсаларни бош бухгалтер назорат қилиши лозим бўлганлигини, мазкур ҳолатлар текшириш давомида аниқланиб бартараф қилинганлигини, жабрланувчи ХХХХнинг айблов эпизоди бўйича, 398.000.000 сўм пул маблағларини фермер хўжалигининг ҳисоб рақамига тушмаганлиги бўйича мурожаат қилганлигини, ХХХХ улар, яъни у, банк ходими ХХХХ ва АТ “Халқ банки” Қорақалпоғистон Республикаси минтақавий маркази банкидан келган вакил ХХХХ томонидан пуллар олиниб ушбу пуллар ҳисоб рақамига кирим қилинмасдан йўқ қилиб юборилганлигини кўрсатганини, ХХХХнинг “Сарвар” фермер хўжалигига наслии чорва молларни сотиб олиши бўйича АТ “Халқ банки” Эллиққалъа бўлимига у раҳбар бўлиб келгунига қадар 00.000.000 сўмдан ортиқ имтиёзли кредит маблағи ажратилганлигини, у



рахбар бўлиб 2022 йилнинг сентябрь ойида келганидан кейин “Сарвар” фермер хўжалигига ажратилган кредит маблағи 2022 йил октябрь ойидан бошлаб муаммоли кредит сифатида эътироф этилганини, ХХХХ ўз мурожаатида улар томонидан 98.000.000 сўм нақд пул кўринишида, 300.000.000 сўмига эса ем-хашак маҳсулотларини олиб сотиб пулларни, шахсий эҳтиёжларига ишлатиб юборганликларини кўрсатганлигини, лекин у ишлаган даврида ХХХХ олган кредит маблағи учун ўзи келиб кредит қарздорлигини сўндирганлигини эслай олмаслигини, улар томонидан “Тўрткўл Кластер” дан ем-хашакларни олиб кетганлигини тасдиқловчи гувоҳлари тергов ҳаракатлари ва суд тергови жараёнида ҳам уларни танимаслигини, кўрмаганини айтганлигини, ХХХХ билан кредит қарздорлигини қоплаши учун суҳбат қилган вақти, у “Тўрткўл Кластер”дан ем-хашак олиши кераклигини, уларни сотиб пулларини кредити учун тўлашини айтганлигини, сўнг у ишдан кетгунига қадар мазкур масалада ХХХХ билан бошқа гаплашмаганлигини, агарда уни ХХХХдан қарзи бўлганида у унинг мазкур кредит қарздорлигини ундириш масаласида судга бермаган бўлган бўлишини, банк мижози бўлган “Bo’ston Building Universal” хусусий корхонаси иш юритувчиси ХХХХдан ҳолати бўйича у билан ўртасида қарз муносабатлари бўлганлигини, ҳозирги кунда ХХХХни пулларини тўлиқ қоплаганлигини, банк мижози бўлган “O’ztemir Yo’lovchi” акциядорлик жамиятининг банкда кассаси борлигини, касса ҳисоб рақами уларнинг банкида бўлганлиги сабабли кассага тушган нақд пулларни уларга топширишганлигини, сабаби Адлия Вазирлигининг 1834-рақами билан тижорат банкларида касса ишини юритиш ҳақидаги йўриқнома бўйича инкассаторлар пулларни соат 18:00 да банкка олиб келишини, лекин банкда кассалар куни 17:00 да яқунланишини ва касса пуллари “0” га туширилиб барча пуллар Тўрткўл туман филиалига юборилишини, инкассаторлар пулларни кеч олиб келишганлиги боис пуллар эртаси куни билан кирим бўлишини, шу сабабли 323.597.350 сўм нақд пул маблағларини жамиятнинг ҳисоб рақамига ўз вақтида кирим қилинмаганлиги бўйича айб эълон қилинганини, у мазкур ҳолатни назорат қилиши лозим бўлганлигини, ҳар ойда “O’ztemir Yo’lovchi” акциядорлик жамиятининг ходимлари келишиб таққослаш ўтказилишини, бу пуллар “O’ztemir Yo’lovchi” акциядорлик жамиятининг ҳисоб рақамига ўтказиб берилганлигини, банк мижози ХХХХ томонидан 28.12.2023 йилда омонатни шакллантириш учун тақдим қилинган жами 27.500.000 сўм миқдоридagi пул маблағларини олмаганлик ҳолати бўйича ХХХХ билан гаплашган вақти, у адашиб кетиб пулларни қайтариб олмаганлигини маълум қилганлигини, лекин текширувчиларга бу ҳақида айтганида, улар уни гапларини инобатга олишмаганлигини, бундан ташқари ХХХХ фермер хўжалиги банкнинг мижози бўлганлигини, 2023 йилнинг май ойида ХХХХ банкдан 4.000.000.000 сўм кредит олиш масаласида оғзаки мурожаат қилганлигини, шу вақтда унга кредит олиш учун гаров қўйиши ва жамиятининг ҳисоб рақамидаги айланмалари бўлиши лозимлиги бўйича тушунтириш берганлигини, лекин у томонидан гаров ва тегишли ҳужжатлар тақдим қила олмаганлиги сабабли унга кредит маблағи ажратилмаганлигини, сўнг ХХХХ уни ҳаракатлари устидан норози бўлиб прокуратура органларига мурожаат қилиб юрганлигини, бундан ташқари у ушбу кредитни олиши учун жамиятини ҳисоб рақамида пул айланмаларини



базарганлиги сабабли, унга 35.000.000 сўм солиқ ҳисобланганини ва ушбу пулларни тўлаб бериши лозимлигини айтиб юрганлигини, сўнг орадан бир мунча вақт ўтганидан кейин ХХХХ банкка уйини таъмирлаши учун кредит олмақчилигини айтиб келганлигини, шунда унга ҳужжатларини топширса кредит ажратилса берилиши билдирганлигини, кейинчалик у ҳужжатларини топшириб кредит олганлигини, ушбу кредитни олиш учун банкка омонат сифатида олинаётган кредит маблағининг 15% миқдорини қўйиб кейинчалик кредит маблағи ажратилганидан кейин олиб кетиши лозим бўлганлигини, ХХХХ омонат сифатида 41.000.000 сўм пул маблағини банкка омонат сифатида қўйиб, кейинчалик ушбу пул маблағларини вақтида қайтариб олмаганлик ҳолати бўйича мурожаат қилганлигини ва бу ҳолат жиноят ишлари бўйича Эллиққалъа туман суди томонидан кўрилиб, банк ходими ХХХХ Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 200-моддаси билан жавобгар бўлганлигини ва жарима тўлаганлигини, ХХХХ масаласи у ишдан кетганидан кейин келган текшириш даврида аниқланганини, бу ҳолат бўйича у ХХХХнинг уйига бориб гаплашганлигини, шу вақтда ХХХХ ҳақиқатдан ҳам омонатга қўйилган пул маблағларини олмаганлиги айтганини, ушбу пул маблағларидан чиқим қилинганидан унинг хабари бўлмаганлигини, банкнинг чакана бизнес бўлими универсал касса собиқ кассири ХХХХни кассасидаги жами 55.000.000 сўм 11 та фуқароларга 5.000.000 сўмдан кредит маблағи ҳоким ёрдамчисининг тавсияси орқали ажратилишини, ушбу кредит маблағлари онлайн “Оилакредит.уз” сайти орқали ҳужжатларини топшириб, нақд пул маблағлари чиққанидан кейин фақат банкка келиб олиб кетиши керак бўлганлигини, мазкур фуқаролар билан ҳам гаплашган вақти улар ўша куни банкда пул бўлмаганлиги сабабли эртаси куни ёки кейинги кунлари келиб олиб кетишганини айтишганлигини, лекин тергов органи томонидан ушбу ҳолатлар эътиборга олинмаганлигини, шунингдек кассада камомад аниқланганлик ҳолатлари 2023 йил ноябрь ойдан бошлаб марказлашган касса тизимига ўтилганлигини, яъни Эллиққалъа, Беруний ва Тўрткўл туманлари кўриқлаш хизмати Тўрткўл туманида жойлашганлиги сабабли инкассаторлар орқали кунлик кассадаги пулларни бериб юборишганлигини, у ерда камомад бўлиши мумкин эмаслигини, сабаби баланс билан бериб юборилган пулларни санаб солиштириб кўрилишини, у камомад қаердан келиб чиқишини билмаслигини, дастлабки тергов жараёнида сўроқ қилинган вақти ХХХХнинг эпизоди бўйича, ем маҳсулотларни сотиб олувчи миқозларни топганлигини ва улар ем маҳсулотларини пулларини олиб келиб банкка такси орқали бериб юбориб тўлов қилинаётганлиги ҳақида кейинчалик эшитган гапларидан келиб чиқиб айтганлигини, лекин айнан қанча сумма қанча ем маҳсулоти учун тўлов қилинганлигидан хабари йўқлигини, ХХХХни тергов ҳаракатлари давомида кўрганлигини ва у билан юзлаштириш ўтказилганлигини, судланувчилар ХХХХ ва ХХХХ билан мазкур ҳолатлар бўйича ҳеч қандай жиноий тил бириктирмаганлигини, ҳозирда қилган ишларидан пушаймон эканлигини, хатоларини тушуниб етганлигини, унинг ёшини, оилавий ва моддий аҳволини инобатга олиб енгиллик беришни сўраб кўрсатув берди.

Судланувчи ХХХХ судда айбига қисман иқдорлик билдириб, кўйидагиларни, яъни у 2011 йилдан АТ “Халқ банки” Эллиққалъа филиалида оли лавозимларда, 2024 йил май ойига қадар пенсия ва нафақаларни тарқатиш



бўлимида назоратчи бухгалтер лавозимида ишлаганини, унинг хизмат вазифаларига пенсия ва нафақаларни тарқатиш устидан назорат қилиш каби вазифалар кирганлигини, мазкур жинойт иши бўйича унга “Сарвар” фермер хўжалиги раҳбари ХХХХнинг ем-хашакларни сотилиши ундан пуллар олиб кетилиши масаласида айб эълон қилинганлигини, у мазкур ҳолат бўйича ем хашакни сотилиши бўйича умуман алоқаси йўқлигини, тергов ҳаракатлари жараёнида ерни сотиб олган шахслар билан юзлаштирилганини, шу вақтда улар уни кўришмаганлигини ва танимаслигини баён қилишганлигини, лекин тергов органлари томонидан мазкур ҳолатлар эътиборга олинмаганлигини, бундан ташқари айблов бўйича “Bo’ston Building Universal” хусусий корхонаси иш юритувчиси ХХХХ корхонанинг кредит тўлови учун, шунингдек, унинг отаси ХХХХнинг банкдан олган ипотека кредити маблағларидан бўлган қарздорлиги учун, ХХХХнинг таниши ХХХХнинг ипотека кредити қарздорлиги учун ҳамда “Greenhouse Bo’ston” ХКнинг кредит қарздорлиги учун жами 120.000.000 сўм миқдоридagi пуллар бўйича, шунингдек IABS электрон калити орқали, Мажбурий ижро бюроси Эллиққалъа туман бўлими томонидан суд қарорлари ижроси юзасидан 2022-2023 йиллар давомида ижрога қаратилган субъектларнинг кредит қарздорликларини сўндириш мақсадида банкнинг транзит ҳисоб рақамларига ундирилган пул маблағларини ижро ҳужжатларида кўрсатилган 13 нафар банк мижозларидан ундирилган жами 102.501.041 сўм миқдоридagi пулларини уларнинг кредит қарздорликлари учун йўналтирмаганлик ҳолати бўйича тизим хатолиги туфайли шундай ҳолат келиб чиққанлигини, ушбу ҳолатлар бўйича уни хабари бўлмаганлигини сабаби ўша вақтда у пенсия бўлимида ишлаганлигини, ундан ташқари мазкур пул маблағлари нафақат уни балки 6-7 та банк ходимларнинг электрон калити орқали ўтказилганлигини, у ўзининг электрон калитини бошқа ходимга бермаганлигини, лекин қайсидир ходим уни электрон калитини кўриб олиб ва унинг элетрон калити орқали фойдаланган бўлиши мумкинлигини, унга IABS дастуридан фойдаланиш имконини берувчи логин пароль топширилаётган вақтда, фойдаланиш қоидалари ва мажбуриятнома имзо остида таништирилгани, бундан ташқари кредит ундириш бўйича барча банк ходимларга рўйхат берилишини, мазкур рўйхат унга ҳам берилганлигини, бу ҳолатлардан аудит текшируви келганидан кейин хабар топганлигини, жабрланувчи ХХХХдан бир маротаба 7.000.000 сўм ва бир маротаба унинг танишидан 11.000.000 пул маблағларини олганлигини тасдиқлашини ва ушбу пул маблағларини “Сарвар” фермер хўжалиги кредити ёпиш бўйича кассага тўлов қилганлигини, ХХХХ билан ем хашак олиб сотилиш масаласи бўйича гаплашмаганлигини, “Тўрткўл Кластер”га бориб мазкур масалада мурожаат қилмаганлигини ва ем хашак маҳсулотларини олмаганлигини, бундан ташқари суд мажлисида гувоҳ тариқасида сўроқ қилинган ХХХХ уни танимаганлигини, шунингдек гувоҳ тариқасида сўроқ қилинган ХХХХ нима сабабдан уни ем маҳсулоти учун ХХХХдан 50.000.000 сўм пул маблағини олганлигини кўрганлиги ҳақида кўрсатув бераётганини билмаслигини, ваҳоланки бундай ҳолат бўлмаганлигини, ҳозирда қилган ишларидан пушаймонлигини, оилавий шароитини инобатга олиб адолатли қарор қабул қилишни сўраб кўрсатув берди.



Судланувчи ХХХХ судда айбига қисман иқрорлик билдириб, қуйидагиларни, у 2017 йил ноябрь ойидан 2024 йил июль ойига қадар АТ “Халқ банки” Эллиққалъа БХМ чакана амалиётлар кассаси бўлими универсал касса кассири лавозимида ишлаганини, АТ “Халқ банки” Қорақалпоғистон Республикаси Минтақавий марказининг фармойишига асосан, Ички назорат ва комплеанс хизмати менежерлари О.Қаллибеков, Р.Утегенов, Д.Абдиқадиров Р.Халекев иштирокида ўтказилган тафтиш натижасида 49 нафар фуқаронинг жами 21.300.000 сўм миқдордаги бир марталик моддий ёрдам пулларини фуқароларга бермасдан чиқим қилганлиги ҳамда 18 ҳолатда жами 211.000.000 сўмлик инкассация пулларини тегишли ҳисоб рақамига ўз вақтида кирим қилмагани, шунингдек, 128 та ҳолатда жами 4,6 млрд. сўмлик омонат маблағларини бир вақтнинг ўзида кирим ва чиқим операцияларини ишлаганлиги бўйича ҳолатлар аниқланиб тегишли далолатнома расмийлаштирилганини, айблов эпизоди бўйича ХХХХнинг мурожаатида кўрсатилганидек, АТ “Халқ банк” Эллиққалъа банк хизматлари марказига 28.02.2024 йилда 41.000.000 сўм омонат пули ХХХХ номидан ишончнома орқали ХХХХ томонидан банкка топширилганини, шу куни омонат учун тегишли ҳисоб рақамига нақд пулда 41.000.000 сўм кирим қилганлигини, кейинчалик омонат очиш мақсадида хазинахонадан талабнома орқали ХВ 0551802-сонли омонат дафтарчаси олиб, банк ва миждоз ўртасида 28.02.2024 йилда ХВ 0551802-сонли тузилган шартноманинг омонат амалиётлари тўғрисидаги маълумотда С.Матвапаев, чакана бизнес бўлими универсал касса кассири яъни у ва банк миждози ХХХХ билан биргаликда тўлиқ имзоланганлигини, бу ҳолат бўйича у жиноят ишлари бўйича Эллиққалъа туман судининг қарорига асосан Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 200-моддасига асосан маъмурий жавобгарликка тортилганлигини, бундан ташқари берилган бир марталик моддий ёрдам пулларини мазкур ой ичида ўзи ёки ишончнома асосида тегишли фуқарога имзо қуйдириб тарқатиши лозим бўлгани, лекин раҳбарият томонидан ҳисоб рақамдаги молиялаштирилган пулларни тозалаш тўғрисидаги оғзаки топшириғига асосан, 49 нафар фуқаронинг жами 21.300.000 сўм пул маблағларини 2024 йил 31 май куни ушбу фуқароларнинг розилигисиз чиқим касса ордерларини имзолатмасдан, чиқим қилгани, 18 ҳолатда жами 211.000.000 сўмлик инкассация пулларини тегишли ҳисоб рақамига кирим қилмаганига асосий сабаб, банк кассаси Тўрткўл туманида бўлганлиги сабабли, ўз вақтида инкассация хизматида топшира олмаганлиги ва ушбу пулларни ўзи билан касса сейфида сақлаб келганлигини, банк ходими ХХХХдан 2024 йил июнь ойида инкассация орқали келиб, ҳисоб рақамга кирим қилинмаган жами 18.600.000 сўм пулни ҳамда ХХХХдан жами 2.200.000 сўмлик бир марталик моддий ёрдам пулларини ва инкассация орқали келиб, ҳисоб рақамга кирим қилинмаган жами 82.500.000 сўм пулларни у умуман олмаганини, у ҳақиқатдан ҳам, 2024 йил 26 июнь куни банк ходими ХХХХдан жами 16.700.000 сўм, 2024 йил июнь ойида банк ходими ХХХХдан турмуш ўртоғи ХХХХнинг пластик картасига ўтказиб берилган жами 41.000.000 сўм пулларни, ХХХХнинг 2023 йил декабрь ойида омонат ҳисоб рақамини шакллантириш учун олиб келган 27.500.000 сўм пулларни олиб банк раҳбари ХХХХга берганлигини, 2024 йил июнь ойида фуқароларга тарқатиши лозим қилган 49 нафар фуқаронинг жами 21.300.000 сўм пул маблағини, олмагани ва



XXXXга бермагани, ушбу бир марталик моддий ёрдам пуллари кассасидаги сейфда нақд шаклда сақлангани, текширув даврида жами 17.360.000 сўм миқдордаги пулларни банк балансига қабул қилиниб, фуқароларга тарқатилганини, шундан, жами 8 фуқарога чиқим ордери орқали жами 3.472.000 сўм пулларни эгаларига нақд шаклда топширганлигини, ушбу чиқим ордерлари асл нусхасини терговга тақдим қилганлигини, АТ “Халқ банки” Эллиққалъа БХМнинг ҳар бир кассасида келиб тушган пулни сақлаш учун сейф мавжуд бўлганлигини, у фаолият юритган даврда АТ “Халқ банки” Эллиққалъа БХМда кечки касса иш юритмаганини, 2024 йил 5 март куни XXXX омонатни шакллантириш учун жами 21.410.000 сўм миқдоридаги пул маблағини нақд шаклда унга топширилганлигини, лекин ўша вақтдаги XXXXнинг топшириғига асосан, ушбу омонат маблағларини бир вақтнинг ўзида ҳам кирим ҳам чиқим қилиб, XXXXнинг ўзига имзо қўйдирганлигини, сўнг XXXXнинг топшириғи билан ушбу пуллардан 1.000 АҚШ долларини М.Вапаева исмли шахсга ўтказиб берганлигини, пулнинг қолган қисмини эса нақд шаклда XXXXнинг ўзига берганлигини, ушбу ҳолат юзасидан телеграм ижтимоий тармоғи орқали XXXX билан олиб борилган ёзишмалари фотосуратларини терговга тақдим қилганлигини, мазкур омонат пуллари омонатга қўйилишида унинг логини орқали амалга оширилганлигини, у мазкур ҳолатдан моддий ёки бошқа бирор-бир кўринишда манфаатдор бўлмаганлигини, банк ходими Н.Сатимов томонидан 11 нафар фуқароларнинг хабарисиз жами 55.000.000 сўм нақд пулда бериладиган имтиёзли кредит маблағларини чиқим қилиб юборганлиги ва ушбу пул маблағлари ўз вақтида берилмаганлигидан аввалига хабари бўлмагани, 2024 йил тахминан июнь ойида XXXXнинг топшириғига асосан, банк ходими XXXX билан бирга, у топган пластик картага жами 90.000.000 сўм пулларни тушириб, банк бошлиғи XXXXнинг топшириғи бўйича, 89.100.000 сўмини нақдлаб банк бошлиғи XXXXга берганини, кейин, XXXX ушбу пуллардан 15.000.000 сўмини қайтариб бериб 5.000.000 сўмлик имтиёзли кредит пулларини олмаган 3 нафар фуқарога олиб бориб беришларини айтганлигини, банк миждози бўлган “Во’стон Building Universal” хусусий корхонаси иш юритувчиси XXXX томонидан 2023 йил сентябрь-ноябрь ойларида мазкур корхонанинг кредит тўлови учун бирор-бир пул маблағларини олиб қолиб, кредит қарздорлиги учун кирим қилмаган ҳолати бўлмагани, ушбу миждоз XXXX томонидан жуда кўп пул олиб келиниб, кредити учун тўланганлигини, ишдаги аниқланган қвитанцияни у расмийлаштирмаганлигини, ушбу ҳолатда, “Cash box” тизими орқали унинг логин паролидан бошқа бир ходим расмийлаштирган бўлиши мумкинлигини, сабаби агар у расмийлаштирганида, қвитанцияга имзо қўйиб берган бўлиши кераклигини, юқоридаги 17 ҳолатда жами 195.000.000 сўмлик инкассация пулларини ҳақиқатдан ҳам ўзи олиб қолганлигини, лекин ушбу пулларни ўз вақтида тегишли ҳисоб рақамига кирим қилмаганига асосий сабаб, ушбу пулларни санаш учун кўп вақт талаб қилганлиги, иши кўп бўлганлиги, шунингдек, банк кассаси Тўрткўл туманида жойлашганлиги сабабли, ўз вақтида инкассация хизматида топшира олмаганлигини ва ушбу пулларни ўзи билан касса сейфида сақлаб келганлигини, “O’ZTEMIR YO’LOVCHI” акциядорлик жамиятининг пулларини ўзлаштирмаганлигини, жабрланувчи XXXXни айблов эпизоди бўйича у томонидан 2023 йил 28 декабрь куни омонатни шакллантириш



учун тақдим қилинган жами 27.500.000 сўм миқдоридаги пул маблағларини нақд шаклда банк ҳисоб рақамига кирим қилиб, ушбу пулларни олиб қолиб, шу вақтнинг ўзида омонат маблағларини чиқим қилганлигини тан олишини мазкур жараёни банк раҳбари ХХХХнинг топшириғига асосан амалга оширганлигини, ХХХХ банкка аудит текшириши келганидан кейин омонат пулларини олмаганлигини айтиб мурожаат қилганлигини, сўнг у билан кўришиб гаплашган вақти пулларни олганлигини билдирганини, бундан ташқари жабрланувчи ХХХХ томонидан 05.03.2024 йилда омонатни шакллантириш учун тақдим қилинган жами 21.410.000 сўм миқдоридаги пул маблағларини нақд шаклда банк ҳисоб рақамига кирим қилиб, ушбу пулларни олиб қолиб, шу вақтнинг ўзида омонат маблағларини чиқим қилганлигини, бу ҳолатда ҳам банк раҳбари ХХХХ томонидан берилган топшириқни бажарганлигини, кирим чиқим ордерларига ХХХХнинг ўзи имзо қўйганлигини, шу кунинг ўзида ХХХХ томонидан ташланган ҳисоб рақамига 1.000 АҚШ долларини ташлаб берганлигини қолган пулларни ҳам унинг ўзи олиб кетганлигини, кейинчалик ушбу ҳолат аниқланиб тергов жараёнида пулларни депозит ҳисоб рақамига қўйилганлигини, шунингдек 2023 йилнинг июль ойида у меҳнат таътилида бўлган вақти, ХХХХ кўнғироқ қилиб ХХХХнинг ёнига боришини ва ундан пластик картага пул ташлатиб олиши лозимлигини айтганлиги сабабли банкка бориб ХХХХга турмуш ўртоғини пластик карта рақамини айтиб, жами 55.000.000 сўм пулларни ташлатиб, ушбу пулларни нақдлаштириб ХХХХга берганлигини, ХХХХни кредит маблағларини бир маротаба кассаси орқали 29.12.2023 йилда кирим “Сарвар” фермер хўжалигига кирим қилганлигини, лекин орадан анча вақт ўтганлиги сабабли аниқ суммасини эслай олмаслигини, ушбу пул маблағларини ХХХХ ва ХХХХ олиб келиб тўлаганлигини, банк тўлов паттаси миждозни имзо қўядиган жойига имзо қўйилмаганлигини, ҳақиқатдан ҳам ХХХХ билан бирга ХХХХнинг ёнига омонат пулларни олган олмаганлик ҳолатини аниқлаш мақсадида боришганлигини, сабаби у аудит текширувчиларига омонат пулларни олганлигини билдириб, кейинчалик олмаганлигини айтганлигини, ҳозирда қилган ишларидан пушаймон эканлигини, ёшини, оилавий шароитини инобатга олиб суддан одилона қарор чиқаришни сўраб кўрсатув берди.

Судланувчилар ХХХХ, ХХХХ ва ХХХХ айбларига қисман иқроп бўлсаларда, уларнинг юқоридаги жиноятни содир қилгандаги айби судда текширилган қуйидаги далиллар билан ўз исботини тўлиқ топади.

Суд мажлисида жабрланувчи тариқасида сўроқ қилинган ХХХХ, қуйидагиларни яъни у 2024 йил март ойида АТ “Халқ банки” Эллиққалъа туман филиалига уй-жойини таъмирлаш мақсадида, ипотека кредити олиш масаласида бориб ариза билан мурожаат қилганлигини, банк томонидан унинг мурожаати кўриб чиқилиб, 115.000.000 сўм кредит ажратилганлигини, банк ходими кредитнинг 12 % ҳисобида, яъни 21.410.000 сўм миқдорида омонатга пул қўйиши кераклигини айтганлигини, 05.03.2024 йилда у банкка борганлигини, у ерда 21.410.000 сўм миқдоридаги пулларни банк кассасида ўтирган ХХХХга нақд шаклда берганлигини ва ундан пуллари омонатга қўйганлиги юзасидан хужжат беришини сўраганлигини, ХХХХ унга кредит суммаси тўлиқ чиққанидан сўнг, омонатини олиб кетишини айтганлигини, у ҳақиқатдан ҳам

ндай бўлса керак деб ўйлаб, у ердан кетганлигини, 115.000.000 сўм



миқдорида кредит ажратилиб, тўловга йўналтирилгани, сўнг, у омонат пулларини қайтариб олиш бўйича банк ходими ХХХХга бир неча маротаба мурожаат қилганлигини, ХХХХ унга кредит тўлиқ ажратилгач, омонат пулларини ҳам олиши мумкинлигини айтиб, уни алдагани, 2024 йил июнь ойида ХХХХ яна бир банк ходими билан унинг иш жойига келиб, ундан ушбу жами 21.410.000 сўм миқдоридаги омонат пулларини олганлиги юзасидан ёлғон тилхат ёздириб олишганлигини, шу вақтда ХХХХга нима сабабдан олмаган пул маблағи учун олганлиги ҳақида тилхат олаётганлигини сўраган вақти, банкка текшириш келганлигини, кейинчалик банкка борган вақти, пулни олиб кетиши мумкинлигини айтганини, 2024 йил октябрь ойида унинг кредити тўлиқ ажратиб бўлинганлигини, банкка бориб, омонат пулларини олиш мақсадида мурожаат қилганлигини, банк ходими унга омонат пули олиб бўлинганлигини айтганлигини, шунда у ҳолатга аниқлик киритиб, ушбу 21.410.000 сўм маблағини банк кассасига 05.03.2024 йилда қўйилиб, шу куни қайтариб олинганлигидан хабар топганлигини, кейин 09.12.2024 йилда ХХХХ ва ХХХХ уйига келиб, нима сабабдан прокуратурага мурожаат қилиб юрганлигини сўраб, пуллари банкда турганини айтганлигини ва бир икки кун ичида уйига 10.000.000 сўм пул маблағларини ХХХХ олиб келиб беришини айтганлигини, лекин олиб келиб бермаганини, шунда уларга пулларни қайтариб олмаганлиги учун борганлигини юқоридаги ҳолат юзасидан унга етказилган жами 21.410.000 сўм миқдоридаги пулларни айбдор шахслардан ундириб беришни сўраб кўрсатув берди.

Суд мажлисида жабрланувчи тариқасида сўроқ қилинган ХХХХ, қуйидагиларни яъни у 2020 йилдан ҳозирги кунга қадар Эллиққалъа туманидаги “Сарвар” фермер хўжалиги раҳбари лавозимида ишлашини, фермер хўжалиги чорвачилик билан шуғулланишини ва у фермер хўжалигига АТ “Халқ банки” Эллиққалъа туман филиалидан 2020 йилда насли қора моллар олиб келиш мақсадида кредит маблағини олганлигини, 2022 йилда АТ “Халқ банки” Эллиққалъа туман филиалига ХХХХ раҳбар бўлиб келганлигини ва октябрь ойида кредитни ёпиш учун пулларни тўлашни сўрашганлигини, уларга пуллари йўқлигини лекин “Тўрткўл Кластер” дан қорамолларига ем-хашак сўраб қўйганлигини билдирганлигини, шу сабабли АТ “Халқ банки” Қорақалпоғистон Республикаси банкидан келган вакил ХХХХ судланувчи ХХХХ ва ХХХХ ҳамда бошқа банк ходимлари билан бирга “Тўрткўл Кластер” га боришганлигини, шу вақтда у банк ходимларига 100.000.000 сўмлик ем-хашак маҳсулотини “Тўрткўл Кластер”дан олишлари мумкинлигини айтиб, у ердан кетганлигини, банк ходимлари ерни олиб сотиб бўлишгандан кейин уч кун ўтиб у банкка бориб ХХХХга учрашганлигини ва ундан ерни пулларини кредитни сўндириш мақсадида тўлов қилишганлиги ҳақида сўраганлигини, шунда ХХХХ ерни пуллари автомашинасида турганлигини, уларни ўзлари тўлов қилиб қўйишларини ва бу масалада хавотир олмаслигини айтганлиги боис, уни гапларига ишониб банкдан кетганлигини, ўша вақтлари онаси вафот этиб қолганлигини ва у маросимлар билан бўлиб юрганида банк ходимлари унга қўнғироқ қилиб, кредити учун пул тўлаши лозимлигини билдиришганлиги сабабли, уларга вазиятини тушунтириб, “Тўрткўл Кластер” да ем маҳсулоти турганлигини, ўша ерга бориб олишлари мумкинлигини билдирганини, шунда



улар “Тўрткўл Кластер”га бориб яна 100.000.000 сўмлик ем маҳсулотини олиб чиқиб кетишганлигини ва кимгадир сотишганлигини билганини, лекин кимга сотишганлигига аниқлик киритмаганлигини, кейин ХХХХдан пуллари тўланганлиги ҳақида сўраганлигини, у пуллари тўланганлигини айтганлигини, уни гапларига ишонгалиги сабабли бу ҳолатни текшириб кўрмаганлигини, шундан кейин ҳам Тўрткўл туманида жойлашган чорраҳада ХХХХ билан кўришиб, икки маротаба пул берганлигини, шундан сўнг ҳам улар яна пул сўрашганлиги боис, эртаси куни Тўрткўл туманидаги жойлашган масжидга боришларини, ўша ерда пул бериб юборишини билдирганлигини ва эртаси куни ХХХХ билан ХХХХ масжидга келиб пулларни сўраган вақти, пул тайёр эканлигини айтганлигини, шунда ХХХХ ишлари борлигини айтиб, у ердан кетганлигини, ХХХХ эса ундан 80.000.000 сўм пул маблағини нақд санаб олганлигини, ушбу пул маблағини таниши Ш.Бобожоновдан қарзга олганлигини, бу ҳолатни Ш.Бобожонов ҳам тасдиқлаши мумкинлигини, ушбу ҳолат содир бўлганидан кейин эртаси куни ХХХХ кўнғироқ қилиб, ундан олган 80.000.000 сўмни 100.000.000 сўмга тўлдириб кредитини пролангация, яъни тўлаш муддатини чўзишни маълум қилиб ундан яна пул беришни сўраганлигини, шу боис у “Сарибий” ОФЙ ҳудудида истиқомат қилувчи танишига кўнғироқ қилиб ундан 1.000 АҚШ доллари қарз сўраганлигини, у беришга рози бўлганлиги сабабли ХХХХга кўнғироқ қилиб, бу ҳақида айтганлигини, шунда ХХХХнинг ўзи танишини ёнига бориб, ундан 11.000.000 сўм пул маблағини олиб кетганлигини, шундан кейин уни Урганч шаҳридаги сут сотган корхонасида сут учун берилиши лозим бўлган 7.000.000 сўм пул маблағини олиб, Тўрткўл тумани “Микрокредит” банк олдида ХХХХ билан учрашиб ушбу пулларни ҳам унга бериб юборганлигини, шундан кейин охирида булар билан ҳисоб китоб қилиб олиш учун “Тўрткўл Кластер” дан олинган жами 300.000.000 сўмлик ем-хашак маҳсулотларни кимга сотганлиги ҳақида кизикқанида, “Қирқизобод” ОФЙда истиқомат қилувчи Султонов Хурсанд исмли шахсга сотишганини билганлигини, унга 28.500.000 сўмлик ем маҳсулотини унга сотиб кетишганлигини, бундан ташқари ХХХХ кўнғироқ қилиб зудлик билан фоиз тўлаш шарти билан бўлса ҳам 3.000 АҚШ долларини топиб беришини сўраганлиги сабабли, Тўрткўл туманида истиқомат қилувчи “Жамила” исмли танишидан фоиз эвазига 2.800 АҚШ долларини қарзга олиб ХХХХга қарзга берганлигини, у ХХХХ ва ХХХХга ишонганлиги сабабли улар айтган суммаларни бериб уларни фермер хўжалигининг кредит қарздорлигини тўланган тўланмаганлигини назорат қилмаганини, кейинчалик у томонидан берилган нақд пуллар ва ем маҳсулотларини пуллари фермер хўжалигини кредитини сўндириш учун кирим бўлмаганлигини билганлигини, “Тўрткўл Кластер” билан унинг фермер хўжалиги ўртасида ем маҳсулотларини сотиб олинганлиги ёки берилганлиги бўйича шартнома ёки бирор-бир ҳужжатлари йўқлигини, ушбу келишув оғзаки равишда бўлганлигини, яъни у “Тўрткўл Кластер” раҳбарига илтимос қилганлиги сабабли унга ем маҳсулотини бериб юборганлигини, ем маҳсулотларни олиш учун ҳайдовчилар ёки банк ходимларига ишончнома бермаганлигини, у телефон орқали кластер ходимларга айтганлиги сабабли улар ем маҳсулотларини у айтган ҳайдовчиларга бериб оришганлигини, “Тўрткўл Кластер”дан олинган ем-хашак маҳсулотларини



пулларини ҳозирга қадар тўламаганлигини, банк ходимлари ХХХХ ва ХХХХ томонидан “Тўрткўл Кластер”дан ем маҳсулотларини олиб чиқиб кетганликларини тасдиқловчи ҳужжати йўқлигини, у банк ходимларга ишониб қолганлиги сабабли ушбу ҳолатлар келиб чиққанлигини, мазкур ҳолатларни тасдиқловчи аудио ёзувлар ва фото суратларини тергов органига тақдим қилганлигини, суд мажлиси жараёнида гувоҳ тариқасида сўроқ қилинган ХХХХ нима сабабдандир у ХХХХга 50.000.000 сўм пул бергани ҳақида кўрсатув бераётганлигини билмаслигини, аслида улар яъни ХХХХ, ХХХХ ва ХХХХ томонидан “Тўрткўл Кластер”дан 100.000.000 сўмлик ем хашак маҳсулоти олиб кетилганлигини, ҳозирда судланувчилар ХХХХ ва ХХХХдан ўзига етказилган 398.000.000 сўм моддий зарарни ундириб беришни сўраб кўрсатув берди.

Суд мажлисида жабрланувчи тариқасида сўроқ қилинган ХХХХ, қуйидагиларни яъни, у 2023 йилдан ҳозирги кунга қадар “Қошқура Ғалласи” фермер хўжалигини бошқариб келаётганини, у 2023 йилнинг март-апрель ойларида Бўстон шаҳрига ишлари билан келганлигини, у ерда танишини кўриб қолганлигини, у билан суҳбатлари давомида таниши бирга тадбиркорлик билан шуғулланишни таклиф қилганлигини, шунда у кредит олиб иш бошлашни билдириб, ундан гаровга мулки борлиги ҳақида сўраганлигини, унга мулки борлигини маълум қилганида, у банкда таниши борлигини, у билан гаплашиб жавобини айтишини маълум қилганлигини, эртаси куни таниши қўнғирок қилиб, АТ “Халқ банки” Эллиққалъа туман филиали бошлиғи ХХХХ билан кредит масаласида гаплашганлигини, у гаров мулкларини кўришни таклиф қилаётганлигини айтганлиги боис, улар гаров мулкани кўришга боришганлигини, ХХХХ агарда гаров мулки кўриб, уни 12, 13 млрд. сўмга баҳолатса 4-5 млрд. сўм кредит олиши мумкинлигини билдирганлигини, шу вақти ХХХХга агарда кредит чиқмайдиган бўлса унда пул йўқлигини ортиқча чиқим қилдирмаслигини айтганлигини, у кредит маблағини чиқишини айтганлигини боис, у корхонасини солиқдан бўлган 70.000.000 сўм қарздорлигини тўлаганлигини, шу орада, 2023 йил май ойида ХХХХ унга иссиқхона ташкил қилиш мақсадида кредит ажратиш учун унинг номига очилган, яъни “Сабуров Кудрат Эркабаевич” деҳқон хўжалиги пул айланмаси 2 млрд. сўмни ташкил қилиши кераклигини, шундагина кредит чиқишини айтганлигини, унга пули йўқлигини маълум қилган вақти, ХХХХ ўзи хўжалиги ҳисоб рақами орқали 600.000.000 сўмдан икки мартаба айлантиришини маълум қилганлигини, у томонидан корхонасини устав фондани шакллантириш учун қўйган 24.000.000 сўм пул маблағини банк хизмати учун 2 % ушлаб қолинганлиги сабабли, айланма бўйича тортиб кетганлигини, бир йил давомида сарсон бўлганлигини, ХХХХ унга кредит чиқишини айтиб гапларига ишонтирганлигини, ушбу пул маблағини тўлаш учун танишларининг номига “ТВС” банк орқали 30.000.000 сўм кредит олганлигини, ушбу кредитни ҳам фоизларини тўлаганлигини, шуни орасида ХХХХ унга уйини гаровга қўйиб ипотека кредитини олишни таклиф қилганлигини, шунда унинг таклифига рози бўлиб 230.000.000 сўм кредит олганлигини, у кредитни олиш бошланғич бадал пули тўланиши лозим бўлганлиги сабабли бир танишидан 41.000.000 сўм маблағини қарзга олиб, 2024 йил 28 февраль куни банк ходими А.Рейимбоевга берганини, кейинчалик ХХХХ унга бармоқ изи яхши тушмаганлигини айтиб,



кайтадан босишини сўраганлиги боис, у бармоғини қайта босганлигини, кейинчалик бу ҳаракатлар шу вақтда пулларини омонат ҳисоб рақамига қўйиб, бир дақиқадан кейин қайтариб олиш учун бажарганлигини билганини, юқоридаги ҳолат юзасидан унга етказилган жами 41.000.000 сўм миқдоридagi пулларни банк томонидан қайтариб тўланганлигини, мазкур ҳолатда кредит олиш учун олинган кредитлари, гаровни баҳолатишга, йўл харажатлари ва бошқа нарсаларга 35.000.000 сўм сарф қилганлигини, ушбу суммани ХХХХдан ундириб беришни ва унга қонуний жазо тайинлашни сўраб кўрсатувлар берди.

Суд мажлисида жабрланувчи тариқасида сўроқ қилинган ХХХХ, қуйидагиларни яъни, 2023 йил декабрь охи охирларида уй-жойини таъмирлаш мақсадида ипотека кредити олиш учун АТ “Халқ банки” Эллиққалъа тумани филиалига борганлигини, у ерда ишловчи ходим ёнига борганида, унга омонат сифатида қуйиладиган жами 27.500.000 сўм пул маблағини кассага топшириш кераклигини айтганлигини, сўнг, у ушбу 27.500.000 сўм пулни 28.12.2023 йилда кассада ишловчи қизларга берганлигини, уни кредит хужжатларини “Жуманазар” исмли банк ходими расмийлаштирганлигини, омонат пуллари бўйича эса ХХХХни шуғулланиб бармоқ изларини олиб, тегишли тартибда хужжатларга имзо қўйдирганлигини, ХХХХ бир вақтнинг ўзида унга кирим ва чиқим ордерига имзо қўйдирганлигини 2024 йил июнь ойларида текширувчилар келган вақтда билганлигини ва банкка келган текширувчиларга пулни олмаганлиги ҳақида тилхат ёзиб берганлигини, сўнг, банк бошқарувчиси ХХХХ кўнғироқ қилиб, банк олдида таниши кутиб турганлигини ва ушбу шахсдан 27.500.000 сўм пул маблағни олиб кетишини таъкидлаганлиги сабабли, у банк олдида бориб 27.500.000 сўмни олиб кетганлигини, ҳозирда судланувчиларга нисбатан давоси йўқлигини маълум қилиб кўрсатув берди.

Суд мажлисида жабрланувчи тариқасида сўроқ қилинган ХХХХ, қуйидагиларни яъни, 2019 йилдан “Greenhouse Bo‘ston”, “Bo‘ston Building Universal” хусусий корхоналар ва “New Angel” МЧЖларини ташкил қилиб, чорвачилик, савдо ва ишлаб чиқариш фаолияти билан шуғулланиб келаётганини, 2020-2021 йилларда “Greenhouse Bo‘ston”, “Bo‘ston Building Universal” хусусий корхоналари ва “New Angel” МЧЖ номига тадбиркорлик фаолиятини кенгайтириш мақсадида, АТ “Халқ банки” Эллиққалъа тумани филиалидан турли қийматларда кредит маблағларини олганлигини ва ўз вақтида тўлаб келганлигини, 2023 йил 2 ноябрь куни АТ “Халқ банки” Эллиққалъа тумани филиалининг бошлиғи ХХХХнинг топшириғига асосан, ўзига тегишли бўлган “New Angel” МЧЖнинг кредит қарздорлиги учун кассада банк ходими ХХХХга 150.000.000 сўм нақд пулларни берганлигини, шу вақтда ХХХХ унга сохта тўлов паттасини тақдим қилганлигини, бундан ташқари, 2023 йил сентябрь ойида ХХХХнинг топшириғи билан, банк кассасига жами 180.000.000 сўм, шундан унга тегишли бўлган, “Bo‘ston Building Universal” хусусий корхонасининг кредит қарзларини тўлаш учун 130.000.000 сўм ҳамда шу вақтнинг ўзида, “Greenhouse Bo‘ston” хусусий корхонасининг кредит қарзи учун жами 50.000.000 сўм миқдоридagi нақд пулларни кассада банк ходими ХХХХга нақд пулда бериб кетгани, лекин шу вақтда тўлов паттаси берилмагани, шунингдек 2023 йил ноябрь ойида ҳам ўзига тегишли бўлган, “Bo‘ston Building Universal” хусусий корхонасининг кредит қарзларини тўлаш учун ХХХХнинг топшириғи



билан, банк кассасига жами 130.000.000 сўм нақд пулларни кассада ўтирган ХХХХга бериб кетганлигини, лекин шу вақтда ҳам унга тўлов паттаси берилмаганини, 2023 йил сентябрь ойида ХХХХ АТ “Халқ банки” Эллиққалъа тумани филиалига текшириш келганини айтиб, банк ходими ХХХХга тегишли бўлган кредитларни тўлаб, графикка тушириш кераклигини айтиб, ундан 300.000.000 сўм пул бериб туришини илтимос қилганлигини сабабли, у ХХХХга 300.000.000 сўм миқдоридаги пулларни нақд шаклда берганлигини, мазкур ҳолат бўйича ХХХХ билан ҳам гаплашганлигини, лекин пулларни ХХХХ сўраганлигини сабабли асосан у билан гаплашганлигини, 01.03.2024 йилда АТ “Халқ банки” Эллиққалъа тумани филиали ходимлари С.Матвапаев, А.Ниязимбетов ва ХХХХлар унинг олдида келиб, ундан банкнинг бир кредитини тўлаб беришга ёрдам беришини сўрашганлигини, ушбу кредит учун сўралган 260.000.000 сўм учун тилхат ёзиб, банк муҳрини билан тасдиқлаб беришини, ушбу пулларни 15 кун ичида ҳисоб-китоб қилишларини айтишганлиги боис, у 260.000.000 сўм нақд пулларни АТ “Халқ банки” Эллиққалъа тумани филиали маъмурий биноси олдида олиб бориб, ХХХХга бергани, пулларни ўша вақтда банк ходими ХХХХ олиб қолганлигини, шу билан ХХХХ ва банкнинг бошқа ходимларига жами 1.020.000.000 сўм миқдоридаги пулларни берганлигини, шундан 2024 йил тахминан март-апрель ойларида жами 54.000.000 сўм миқдоридаги қисмини ХХХХдан қайтариб олганлигини, қолган 966.000.000 сўм миқдоридаги пулларни тергов даврига қадар бермасдан бўйин товлаб келганлигини, 2024 йил ноябрь ойи бошларида ХХХХ олдида келиб, пулларни қайтармоқчи эканлигини айтиб, унга жами 966.000.000 сўм миқдоридаги пулларни нақд пулда бериб, ҳисоб китоб қилиб кетгани, юқоридагилардан ташқари, у 2023 йил 28 апрель куни АТ “Халқ банки” Эллиққалъа банк хизматлари марказининг ўша вақтдаги раҳбари ХХХХга, банкдаги кабинетида жами 120.000.000 сўм миқдоридаги пулларни нақд шаклда, шундан, отаси ХХХХнинг ипотека кредити қарздорлиги учун график бўйича 100 %, таниши Т.Авезовнинг илтимоси билан қариндоши ХХХХнинг ипотека кредити қарздорлиги учун 11.000.000 сўм, шунингдек, қолганини “Во’ston Building Universal” МЧЖ ҳамда “Greenhouse Во’ston” ХКнинг кредит қарздорлиги учун тўловлар тўланиши кераклигини айтганлигини, эртаси куни текшириб кўрганлигини, ҳақиқатдан ҳам ушбу пуллар юқорида айtilган жойларга тўланганлигини, лекин қаердан тўланганини кўрмаганлигини ҳамда квитанция ҳам олмаганлигини, 2024 йил август ойида банкдан ички назорат бўлими ходими уни чақириб, юқоридаги у нақд шаклда ХХХХга берган пуллар ўрнига, жами 73.197.267 сўм миқдоридаги пуллар Мажбурий ижро бюроси томонидан банкка ундирилган пуллар ҳисобига кредит қарздорликларига тўланганини айтганлигини, сўнг, у ушбу ҳолат юзасидан тилхат ёзиб берганлигини, орадан бир ой вақт ўтгач, яъни 2024 йил ноябрь ойида ушбу 73.197.267 сўм пуллар юқорида кўрсатилган манзиллардан қайтиб тортиб олинганлигини, ушбу ҳолат бўйича ХХХХ томонидан унга жами 73.197.267 сўм миқдорида моддий зарар етказилганлиги, 2024 йил 18 декабрь куни соат тахминан 14:00 ларда, қариндоши М.Машарипов қўнғироқ қилиб, таниши ХХХХнинг кредит тўлови учун 2023 йил апрель ойида олган 9.900.000 сўм миқдоридаги пулларни такси орқали ХХХХнинг укаси Т.Авезовга бериб юборганини айтганлигини,



кейинчалик Т.Авезов ушбу пулларни олиб, опаси ХХХХнинг кредит тўлови учун банкка топширганини билганлигини, 2023 йил апрель ойида ХХХХга берган жами 120.000.000 сўм миқдоридаги пулларни кассага топширмоқчи бўлганида, ХХХХ қўнғироқ қилиб, пулларни ўзи тўлаб, унга квитанциясини тақдим этишини айтганлиги сабабли у 2023 йил апрель ойида ХХХХга 120.000.000 сўм миқдоридаги пулларни, банкдаги хизмат хонасида берганлигини, юқоридаги ҳолатлар юзасидан унга етказилган жами 1.140.000.000 сўм миқдоридаги пулларнинг барчаси тергов жараёнида ХХХХ томонидан тўлиқ қайтариб берилганлиги сабабли судланувчиларга нисбатан давоси йўқлигини маълум қилиб кўрсатув берди.

Суд мажлисида фуқаровий даъвогар АТ “Халқ банки” вакили тариқасида сўроқ қилинган ХХХХ, қуйидагиларни яъни, у 2023 йил декабрь ойидан ҳозирги кунга қадар АТ “Халқ банки” Қорақалпоғистон Республикаси минтақавий маркази юридик бўлими бошлиғи лавозимида ишлаётганини, мазкур жиноят иши юзасидан 2024 йил июнь ойида банк бошқарувининг топшириғи билан юборилган ички назорат бўлими ходимлари томонидан АТ “Халқ банк” Эллиққалъа стандарт банк хизматлар маркази фаолияти текширилганда, ушбу банк мансабдор шахслари томонидан банк балансининг 22812000700000646001 “кафиллик шартномасига асосан кредит ва фоизларни қоплаш” ва банк балансининг “активларни қоплаш” ҳисоб рақамларидаги жисмоний ва юридик шахслардан мажбурий тартибда ундирилган жами 102.501.041,22 сўм миқдоридаги пул маблағларини ижро ҳужжатларида кўрсатилган жами 13 нафар банк миждозларининг кредит қарздорликлари учун йўналтирмасдан, ушбу пулларни 2023 йил апрель ойидан август ойига қадар бўлган даврда бошқа шахсларнинг кредит қарздорлигини сўндириш учун ўтказиб юбориб, банк балансида бўлган жами 102.501.041,22 сўм миқдоридаги пул маблағларини талон-торож қилингани, шунингдек, 2024 йил 13 июнь кунидан 20 июнь кунига қадар бўлган даврда банк кассасидан 11 нафар фуқароларнинг ҳар бирига 5.000.000 сўмдан ажратилган жами 55.000.000 сўм нақд пул кўринишидаги имтиёзли кредит маблағларини фуқароларни хабарисиз ва имзоларисиз банк кассасидан чиқим қилишиб, кассадаги камомадни беркитиш орқали, ушбу жами 55.000.000 сўм пул маблағларини ўзлаштиришганлиги, бундан ташқари, 2023-2024 йилларда 55 нафар фуқароларга маҳалла томонидан ажратилган жами 24.057.000 сўм моддий ёрдам учун ажратилган пул маблағларини 2023 йил октябрь ойидан 2024 йил май ойига қадар бўлган давр оралиғида фуқароларнинг хабардорлигисиз, тўлов қайдномаларида уларнинг имзоларисиз банк кассаси орқали нақд пулда чиқим қилиб, ўз эҳтиёжлари учун ишлатиб юборгани аниқланганлигини, АТ “Халқ банки” Эллиққалъа стандарт банк хизматлари маркази мансабдор шахсларининг юқоридаги ҳаракатлари натижасида жамиятга жами 181.558.041,22 сўм миқдорида зарар етказилганлигини, тергов ҳаракатлари давомида банкка етказилган ушбу зарардан қолган 6.697.000 сўм қисми ҳарбий прокуратура депозит ҳисоб рақамига топширилганлигини, қолган қисми банкка қайтарилиб, қопланганлигини, суддан ҳарбий прокуратура депозит ҳисоб рақамига топширилган 6.697.000 сўмни банкка ҳисоб рақамига ўтказиб беришни, судланувчиларга нисбатан бошқа давоси бўлмаслигини баён қилиб кўрсатув берди.



Суд мажлисида фуқаровий даъвогар “O‘ZTEMIR YO‘LYO‘LOVCHI” АЖ вакили тариқасида сўроқ қилинган ХХХХ, қуйидагиларни яъни, у 2024 йил июль ойидан ҳозирги кунга қадар “O‘ZTEMIR YO‘LYO‘LOVCHI” АЖ Йўл ҳужжатларини расмийлаштириш агентлиги Орол бўйи ҳудудий бўлинмаси бошлиғи лавозимида ишлаб келаётганини, “O‘ZTEMIR YO‘LYO‘LOVCHI” АЖ Йўл ҳужжатларини расмийлаштириш агентлиги Орол бўйи ҳудудий бўлинмаси Эллиққалъа тумани темир йўл вокзали томонидан 2024 йил март-июнь ойлари давомида инкассация хизмати орқали АТ “Халқ банки” Эллиққалъа стандарт банк хизматлари марказига топширилган нақд пул тушумлари, жами 28 та ҳолатда жами 323.597.350 сўм маблағи 2 кундан 19 кунгача кечиктириб кирим қилингани, яъни “O‘ZTEMIR YO‘LYO‘LOVCHI” АЖнинг инкассация хизмати орқали топширган пулларини инкассациядан қабул қилиб олган банк масъул ходимлари ушбу пулларни жамият ҳисобварағига ўша куни кирим қилмаганлигини, АТ “Халқ банки” Эллиққалъа стандарт банк хизматлари маркази мансабдор шахсларининг юқоридаги ҳаракатлари натижасида “O‘ZTEMIR YO‘LYO‘LOVCHI” АЖга жами 323.597.350 сўм миқдорида зарар етказилганлигини, бугунги кунда жамиятга етказилган ушбу 323.597.350 сўм миқдоридаги моддий зарар тўлиқ қопланганлиги, шу сабабли судланувчиларга давоси йўқлигини баён қилиб кўрсатув берди.

Суд мажлисида гувоҳ тариқасида сўроқ қилинган ХХХХ, дастлабки тергов жараёнида берган кўрсатувларини тасдиқлаб, қуйидагича яъни у 2020 йил февраль ойидан ҳозирги кунга АТ “Халқ банки” Қорақалпоғистон Республикаси Минтақавий маркази Ички назорат комплеанс хизмати менежери лавозимида ишлашини, Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш Департаментнинг Эллиққалъа туман бўлими томонидан 2024 йил 8 июль кунги 100-24 сонли хатига ҳамда АТ “Халқ банки” Қорақалпоғистон Республикаси Минтақавий маркази бошлиғининг 2024 йил 8 июлдаги 47/1 сонли буйруғига асосан, ХХХХга АТ “Халқ банк” Эллиққалъа БХМ томонидан кредит маблағларининг ажратилишида бошланғич бадал тариқасида қўйилган омонат пуллари ва уларни қонунийлиги юзасидан кўрсатилган важлар бўйича 2024 йил 22 июль куни ўрганиш ўтказилганлигини, текшириш натижасига кўра далолатнома расмийлаштирилиб, Департаментга тақдим этилганлигини, мазкур ўтказилган текшириш давомида Ипотека кредит маблағини олувчи ХХХХ номидан ишончнома орқали ҳаракат қилувчи ХХХХ томонидан 2024 йил 28 февраль куни ипотека кредитини ажратилишида дастлабки бадал сифатида 41.000.000 сўм пул маблағини нақд пул кўринишида шакллантирилгани, шундан сўнг, АТ “Халқ банк” Эллиққалъа банк хизматлар маркази ходими ХХХХ томонидан шу вақтнинг ўзида ушбу маблағни чиқим қилиб, ХХХХга тақдим қилганлигини ҳамда чиқим ордерига тегишли тартибда имзо қўйилганлигини, кейинчалик омонат амалиётлари тўғрисида маълумотларни ёзиб борувчи қайдномага 41.000.000 сўм пул маблағи қўйганлиги ва олганлиги ҳақида ХХХХ ҳамда банк ходими ХХХХ ўз имзоларини қайд қилинганлигини, бундан ташқари текшириш давомида, ХХХХ Ўзбекистон Республикаси Акциядорлик тижорат Халқ банки Бошқаруви раиси ХХХХ номига ёзган аризасида дафн пулини олиш учун ҳужжатларни “Хуршида” исмли банк ходимида берганлигини, лекин дафн пулини олмаганлигини, ушбу пулни олиб беришини сўраганлигини, ўрганиш



давомида 18.03.2024 йилда ХХ ФХДЁ бўлими томонидан тақдим этилган отасининг вафоти ҳақидаги гувоҳномаси ва ўзини тасдиқловчи ҳужжатини АТ “Халқ банки” Эллиққалъа стандарт банк хизматлари марказининг Чакана бизнес бўлими универсал касса кассири лавозимда ишловчи ХХХга дафн пулини олиш учун берганлиги, лекин шу вақтда банкнинг IABS дастурининг “Суюнчи ва дафн сўрови” модули вақтинча ишламаганлиги учун ХХХ дафн пулини олмасдан кетганлигини, ХХХнинг 1.488.000 сўм дафн пули 18.03.2024 йилда банк балансидан ХХХ логини орқали чиқим бўлганлиги, кунлик касса ҳужжатларига ХХХХнинг ID карта нусхаси ва ХХХХ томонидан имзоланмаган чиқим касса ордери тикилгани, бу ҳақида банк ходими ХХХХдан тушунтириш сўралганида, 2024-йил март ойида ХХХХ дафн пулини олиш учун банкка келганлигини, лекин шу куни банк дастури ишламаганлиги сабабли дафн пули берилмаганлигини, бундан ташқари бошқа бир фуқаро келиб дафн пулини олишини айтиб жанжал қилганлигини, ушбу фуқаронинг пулини банк балансидан чиқармоқчи бўлиб, ХХХХнинг дафн пулини чиқим қилиб олганлигини маълум қилганлигини, шуниндек банк дастури ишлаганидан сўнг кўнғироқ қилишини айтиб ХХХХнинг телефон рақамини олиб қолганлигини, лекин ўзи келмаганлиги учун кўнғироқ қилмаганлигини, ХХХХ дафн пулини ўзи олмаганлиги сабабли, 13.06.2024 йилда банк балансининг 19908 ҳисоб рақамидан тўлаб берилганлигини ва 14 июнь куни ХХХХ томонидан 1.488.000 сўм банк балансининг 19908-ҳисоб рақамига кирим қилиб қопланганлигини, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ВМнинг 2017-йил 30-мартдаги 165-сонли “Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида муҳтож оилаларга бир марта бериладиган моддий ёрдамни тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида” ги Қарорига асосан Эллиққалъа тумани маҳалла ва овуллар томонидан муҳтож оилаларга тайинланган бир марта бериладиган моддий ёрдам тўлов қайдномалари 01.10.2023 йилдан 01.06.2024 йилгача бўлган давр оралиғида танлов асосида ўрганилганлигини, ўрганиш давомида 2 дона маҳалланинг муҳтож оилаларга тайинланган бир марта бериладиган моддий ёрдам тўлов қайдномалари ҳамда 81 нафар фуқароларнинг тўлов қайдномаларида кўрсатилган суммани олганлигини тасдиқловчи имзоси мавжуд эмаслиги аниқлангани, ушбу 81 нафар фуқаролар билан жойига чиқиб учрашилганда, шундан 55 нафар фуқаролар жами 24.057.000 сўм маблағларини олмаганлиги маълум бўлгани, жумладан, 1-сонли универсал касса кассири А.Рейимбоев томонидан 49 та ҳолатда жами 21.266.000 сўм ўзига бириктирилган логин-пароль орқали чиқим қилинганлиги, собиқ универсал касса кассири Х.Холмухаммедова томонидан 5 та ҳолатда жами 2.170.000 сўм ва ХХХХ томонидан 1 та ҳолатда 434.000 сўм маблағларига чиқим ордерлари тўлдирилмасдан ўзига бириктирилган логин-пароль орқали чиқим операциялари амалга оширилгани, ушбу ҳолат юзасидан ХХХХдан тушунтириш сўралганида, ҳақиқатда 49 та фуқаронинг 21.266.000 сўм бир марталик моддий ёрдам пулини ҳеч бир ҳужжатсиз балансдан чиқим қилиб қўйганлигини, шу кунга қадар 9 нафар фуқарога пулларини берганлигини ўз тушунтириш хати орқали маълум қилганлигини, ўрганиш даврида ўзлаштирилган маблағлар 17.360.000 сўм қисми ХХХХ томонидан баланснинг 29896-ҳисоб рақамига кирим қилинганлигини, ХХХ ўз тушунтириш хатида 12.03.2024 йилда ишга келганидан сўнг, бир



марталик моддий ёрдам пулларини фуқароларга бермаганлигини, руйхат бўйича ХХХХ берганлигини, сабаби банк дастуридан ўтказмаларни амалга оширишини билмаслигини маълум қилганлигини, ХХХХ билан меҳнат шартномаси 01.05.2024 йилда бекор қилинганлигини, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 02.04.2024 йилдаги ПҚ-149-сонли “Оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида аҳолининг бизнес ташаббусларини молиялаштиришни такомиллаштиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарорларга асосан АТ “Халқ банки” Эллиққалъа стандарт банк хизматлари маркази томонидан 2024 йил 1 январдан 4 июлгача ўзини-ўзи банд қилиш бўйича 289 та фуқарога жами 1.476.800.000 сўм имтиёзли кредит ажратилиб банк кассасидан нақд пул кўринишида чиқим қилинган, ушбу нақд чиқим қилинган кредит маблағлари жойига чиққан ҳолда ўрганилганда, яъни имтиёзли кредит олган 249 та фуқаро 1.331.800.000 сўм кредит олган мижозлар нақд пулда ўзлари олганлигини тилхат орқали, 16 та фуқаро 80.000.000 сўм кредит олган мижозлар телефон орқали ўзлари олганлигини тасдиқлагани ва 4 та фуқаро 20.000.000 сўм кредит олган мижозлар муддатидан олдин сўндирилганлиги, 8 та фуқаро 40.000.000 сўм кредит олган мижозлар чет давлатга кетганлиги сабабли фуқаролар билан учрашилмаганлигини, 2024 йил 13-20 июнь оралиғида 8 та фуқарога нақд пулда чиқим қилинган 40.000.000 сўмлик имтиёзли кредитлар ўз эгаларига чиқим бўлган куни берилмасдан 7 кунгача кечиктириб берилганлиги аниқланганлигини, 2024 йил 13-21 июнь кунлари оралиғида 3 та фуқарога нақд пулда чиқим қилинган 15.000.000 сўмлик имтиёзли кредитлар ўз эгаларига берилмаганлиги аниқлангани ва имтиёзли кредит маблағларини олмаганлиги ҳақида аризалар олингани, ажратилган имтиёзли кредит маблағларини 11 нафар мижозларга кечиктириб бериш ҳолати бўйича Кичик бизнес бўлими бош мутахассиси Н.Сатимов томонидан iABS базасидан ўзига бириктирилган логин-пароли орқали фуқароларнинг иштирокисиз номига расмийлаштирилган 5.000.000 сўм имтиёзли кредитни нақд пул кўринишида чиқим қилиш учун бухгалтерия ўтказмаси амалга оширилганлигини, ушбу маблағ А.Жарилкаповнинг кассасидан чиқим қилинган бўлиб, ҳақиқатда мижоз нақд пулни олмаганлиги, касса кунлик ҳужжатларида фуқароларнинг 5.000.000 сўм нақд пул чиқим ордерида пулни олганлигини тасдиқловчи имзоси мавжуд эмаслигини баён қилиб кўрсатув берди.

Суд мажлисида гувоҳ тариқасида сўроқ қилинган ХХХ, у 2022 йилдан бошлаб АТБ “Микрокредитбанк” Қорақалпоғистон ҳудудий бошқармаси муаммоли кредитлар билан ишлаш шўъбаси мудири лавозимида ишлашини, Нукус ҳарбий прокуратурасининг хатига ва “Марказий банк”нинг фармойишига асосан, АТ “Халқ банк” Эллиққалъа БХМда текшириш ўтказганлигини, текширишда АТ “Халқ банк” Эллиққалъа БХМга мажбурий ижро бюроси томонидан келтирилган пул маблағлари бошқа мақсадларга сарфланганлиги, бундан ташқари 11 та фуқарога ажратилган жами 55.000.000 сўмлик имтиёзли кредит маблағларини берилиш жараёнини ўрганган вақти кассадаги чиқим ордери мавжудлигини ва ушбу чиқим ордерларида имзо мавжудлигини ва у бу ҳолатни текшириш далолатномасида кўрсатиб ўтганлигини, 55 нафар фуқаролар томонидан моддий ёрдам пулларини олиниш ҳолати бўйича, ўрганиб чиқиб имзолари мавжудларига имзолари борлиги ҳақида



имзолари йўқларига эса имзо қўйилмаганлиги бўйича ҳар бир ҳолатга алоҳида маълумотнома тўлдириб берганлигини баён қилиб кўрсатув берди.

Суд мажлисида гувоҳ тариқасида сўроқ қилинган ХХХ, қуйидагиларни яъни у АТ “Халқ банки” Тўрткўл БХМ муомаласи ва ижтимоий тўловларни тўлаш бўлими бошлиғи бўлиб ишлаганлигини, АТ “Халқ банки” Эллиққалъа БХМдан талабнома асосида инкассация орқали пул келишини улар томонидан пуллар кирим қилиниб олинганлигини, касса эрталабки 08:30 дан соат 18:00 га қадар ишлашини, лекин касса марказлашганлиги сабабли ўша вақтлардан буён кечки касса хизмати ташкил қилинганлигини, АТ “Халқ банки” Эллиққалъа БХМ фаолияти текшириш натижасига кўра кеч топширилган ҳолатлар аниқланганлигини лекин ҳозирда орадан вақт ўтиб кетганлиги сабабли суммаси аниқ эслай олмаслиги ҳақида кўрсатув берди.

Суд мажлисида гувоҳ тариқасида сўроқ қилинган ХХХ, қуйидагиларни яъни, у мазкур ҳолатлар содир бўлган вақтда “Тўрткўл Кластер”да ёрдамчи бухгалтер бўлиб ишлаганлигини, “Сарвар” фермер хўжалиги раҳбари ХХХХ томонидан “Тўрткўл Кластер” дан ем-хашак маҳсулотларини сотиб олганлик ҳолати бўйича хабари борлигини, олинган ем-хашак маҳсулотлари юк хатлари орқали берганлигини, у ўша вақтлари компьютерда оператор бўлиб ўтирганлигини, ХХХХ кўнғироқ қилиб уни автомашиналари келиб турганлигини, шулардан унга тегишли бўлган ем маҳсулотларини бериб юбориши мумкинлигини айтганлиги боис у ем хашак маҳсулотларини ХХХХ томонидан юборилган ҳайдовчиларга бериб юборганлигини, ХХХХ ва ХХХХ ўша вақтда “Тўрткўл Кластер”га келган келмаганлигини орадан кўп вақт ўтиб кетганлиги сабабли аниқ эслай олмаслигини, ем-хашак маҳсулотларни юк хатлари орқали чиқарганлигини, лекин ҳозирда у кимнинг номига ёки қайси фермер хўжалигини номига чиққанлигини эслай олмаслигини, ўша вақтда ХХХХ банк ходимлари бориб турганлигини айтганлигини лекин у шахсан банк ходимларини кўрганини эслай олмаслигини, маҳсулотни ҳисоб фактураларига ҳайдовчилар имзо қўйиб олганлигини, сабаби ўша вақтлари ҳайдовчиларга ишончнома берилган бўлиши мумкинлигини, бу ҳолатни ҳам аниқ эслай олмаслигини, ем хашак маҳсулоти ХХХХга тегишли эканлигини, маҳсулотларни олиб чиқиб кетиш учун ХХХХнинг ўзи шахсан келиб имзо қўймаганлигини, шартнома ва ҳужжатлар электрон тарзда расмийлаштирилишини, ушбу шартномаларга ХХХХ имзо қўйган бўлиши кераклигини, лекин унинг ўзи шартномаларни кўрмаганлигини, ХХХХ 331.714.000 сўмлик ем маҳсулотларини 16 маротаба юк автомашиналар томонидан олиб чиқиб кетганлигини, юк хатларида ҳайдовчи қабул қилувчи сифатида кўрсатилганлиги сабабли улар имзо қўйганлигини, ҳужжатларни кўрса аниқ ким олганлигини айтиши мумкинлигини, ҳозирда у “Тўрткўл Кластер”дан ишдан бўшаб кетганлиги сабабли ушбу ҳужжатларни олиб кўришни имконияти йўқлигини, ХХХХ томонидан мазкур ем хашак маҳсулотлари бўйича пул тўлаган тўламаганлигини ҳақидаги маълумотларни бош бухгалтер билишини, у фақат маҳсулотларни олиб чиқиб кетилганлиги ҳолати бўйича гувоҳ бўлганлигини, мазкур ҳолатда иккита юридик шахс ўртасида шартнома расмийлаштирилган бўлиши кераклигини лекин ҳужжатларни кўрмасдан аниқ жавоб бера олмаслигини, ем-хашак маҳсулотларини ХХХХ айтган ҳайдовчиларга бериб юборганлигини, уни банк



ходимларига ем-хашак маҳсулотларини беришга ҳуқуқи йўқлигини, ундан банк ходимлари келиб ем-хашак маҳсулотларини бирор-бир ҳужжатга имзо қўйиб олиб чиқиб кетмаганлигини, лекин ХХХХ билан гаплашган вақти банкдан бўлган кредитларини тўлаш мақсадида ем-хашак маҳсулотларини олаётганлигини билдирганлигини, юк хатларини у томонидан ёзилмаганлигини, юк хатларилар “Тўрткўл Кластер” бош идорасида ёзилиб берилган бўлиши кераклигини, юкни қабул қилиб олиш ҳақидаги юк хатларига ҳайдовчиларни фамилия исми ёзилганлиги сабабли уларнинг номига ишончнома берилган берилмаганлиги текширмасдан, ем-хашак маҳсулотларини бериб юборганлигини, бу маҳсулотларини ХХХХ телефон орқали беришини айтганлиги сабабли бериб юборганлигини айтиб кўрсатув берди.

Суд мажлисида гувоҳ тариқасида сўроқ қилинган ХХХ, қуйидагиларни яъни, иш бўйича жабрланувчи деб эътироф этилган ХХХХ унинг таниши бўлишини, 2022 йил декабрь ойида ХХХХ қўнғироқ қилиб, 80.000.000 сўм қарзга бериб туришини кредитини тўлаши лозимлигини билдирганлигини, шунда у ХХХХга ушбу пулларни эртаси куни “жума намози”дан кейин беришини маълум қилганлигини, сўнг эртаси куни Эллиққалъа тумани, “Ихлос” МФЙ, Тўрткўл йўли катта трасса бўйидаги “Сафо” масжиди олдида, жума номозидан чиқиб, 80.000.000 сўм пул маблағларини ХХХХга берганлигини, шунда ХХХХ ушбу пулларни банк ходими ХХХХга беришини айтиб, унинг ёнидан “Фурқат” деб бақириб бошқа томонга қараб кетганлигини, сўнг у ҳам автомашинасига ўтириб ўз ишлари билан кетганлигини, шу сабабли у ХХХХ пулларни кимга берганлигини кўрмаганлигини баён қилиб кўрсатув берди.

Суд мажлисида гувоҳ тариқасида сўроқ қилинган ХХХХ, қуйидагиларни яъни, 2020 йил сентябрь ойидан АТ “Халқ банки” тизимида турли лавозимларда, 2024 йил март ойида АТ “Халқ банки” Қорақалпоғистон Республикаси минтақавий маркази банк тармоқлари билан ишлаш бўлими бошлиғи лавозимида ишлаганлигини, ўша вақтлардаги хизмат вазифаларига банк хизматлари марказлари иш фаолиятини назорат қилиш ва мувофиқлаштириш каби вазифалар кирганлигини, у АТ “Халқ банки” Эллиққалъа филиалидаги муаммоли кредитларни ўрганиш ва ундириш ишларини ташкил этиш мақсадида, 2022 йил декабрь ва 2023 йил январь ойларида хизмат сафарида бўлганлигини, ўз вақтида тўланмаётган кредит маблағини ўрганиш ва ундириш ишларини олиб бориш мақсадида, банк ходими ХХХХ билан бирга банк мижози “Сарвар” фермер хўжалиги раҳбари ХХХХни уйига бир неча маротаба борганлигини, 2022 йил декабрь ойида ХХХХ билан учрашишган вақти, бир маротаба ем-хашак маҳсулотларини сотганидан олган пуллари эканлигини айтиб 50.000.000 сўм пул маблағини кредит тўловини сўндириш мақсадида ХХХХга берганлигига гувоҳ бўлганлигини, ушбу пул маблағларини ХХХХ ушбу нима қилганлигини билмаслигини, ХХХХ берган ушбу пуллар ем-хашак маҳсулотларини сотилганидан тушган пуллар эканлигини билишини, сабаби у шахсан ўзи унга ем сотиб олувчи мижозни у топиб берганлигини, лекин емни сотиш жараёнига қатнашмаганлигини, ХХХХ билан ХХХХ ва ХХХХ ўрталарида бўлган бошқа олди бердилари бўйича хабари йўқлигини, ХХХХ нима сабабдан у ХХХХ ва С.Мадрахимовга 100.000.000 сўмлик ем маҳсулотини берганлигини



билдираётганлигини билмаслигини, ХХХХдан ем маҳсулотини олмаганлигини айтиб кўрсатув берди.

Суд мажлисида гувоҳ тариқасида сўроқ қилинган ХХХ, қуйидагиларни яъни, у турмуш ўртоғи ХХХХ бирга ҳовлисида қишлоқ хўжалик ва ем маҳсулотларини сотиш тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишини, бундан уч-тўрт йил олдин “Хамид” исмли таниши кўнғироқ қилиб, танишида арзон нарҳда сотиладиган “шрот” ем маҳсулоти борлигини маълум қилганлигини, шунда у ўғли “Хурсанд”га бориб ем маҳсулотини кўриб сотиб олишини айтиб, “шрот” маҳсулоти турган жойга юборганлигини, шунда ўғли “шрот” маҳсулотини олганлигини айтганидан сўнг, ем маҳсулотларини ўзи беришини билдириб, ем эгаларини уни олдига юборишини сўраганлигини, орадан бироз вақт ўтиб қора рангли автомашинада иккита йигит келганлигини ва улар билан “шрот” маҳсулотининг нарҳини келишиб 28.500.000 сўм пул маблағини бериб юборганлигини, ушбу йигитларни юз тузилишини эслай олмаслигини, лекин уларнинг биттаси банк бошлиғи эканлигини, иккинчиси эса кредит бўлими бошлиғи эканлигини айтишганлигини, улар билан гаплашган вақти улар унга кредит олиш масаласида ёрдам беришларини айтганлигини эслашини, тахминан 6 ой олдин ХХХХ пайдо бўлганлигини, ундан олдин уни танимаганлигини, у бир неча маротаба ёнига келиб, унинг ем маҳсулотларини сотиб олганлигини айтиб келишни бошлашганлигини, у ем маҳсулотларини “Тўрткўл Кластер”дан сотиб олганлигини, суд мажлиси залида ем маҳсулотини пулини олиб кетиш учун келган шахслар бор йўқлигини билмаслигини сабаби уни хотираси яхши эмаслигини айтиб кўрсатув берди.

Бундан ташқари ХХХХ, ХХХХ, ХХХХнинг айблари уларнинг айбларига қисман иқдорлик билдириб берилган кўрсатувларидан ташқари, 12.07.2024 йилдаги АТ “Халқ банки” Эллиққалъа стандарт БХМ универсал кассалари фаолиятини ўрганиш далолатномаси (ж.и. 1 ж. 68-109 в.), 14.08.2024 йилдаги АТ “Халқ банки” Эллиққалъа стандарт БХМ 22812 ҳамда 23230-ҳисоб рақамларни айланмасини ўрганиш бўйича тузилган далолатномаси (ж.и. 2 ж. 230-236 в.), 08.11.2024 йилдаги АТ “Халқ банки” Эллиққалъа БХМ мансабдор шахсларининг хатти ҳаракатлари бўйича ўтказилган хизмат текшируви далолатномаси (ж.и. 4 ж. 4-135 в.), 30.10.2024 йилдаги ХХХХ томонидан АТ “Халқ банки” Эллиққалъа БХМ собиқ раҳбари ХХХХнинг хатти-ҳаракатларидан норози бўлиб мурожаати юзасидан ўтказилган хизмат текшируви далолатномаси, 03.12.2024 йилдаги АТ “Халқ банки” Эллиққалъа БХМ ўтказилган ҳужжатли тафтиш далолатномаси, жабрланувчилар ва фуқаролар томонидан берилган аризалар (ж.и. 2 ж. 3-63, 127-135 в.), “O‘ZTEMIR YO‘LYO‘LOVCHI” АЖнинг Эллиққалъа бўлими томонидан инкассация орқали АТБ “Халқ банк” Эллиққалъа БХМга топширилган тушумлар тўғрисидаги маълумотномаси (ж.и. 2 ж. 153 в.), мажбурий ижро бюроси Эллиққалъа туман бўлими ижро иши юритишни кўзғатиш қарорлари (ж.и. 2 ж. 271-293 в.) ҳамда жиноят иши бўйича тўпланган бошқа далиллар билан ўз тасдиғини топади.

Суд, судланувчи ХХХХнинг ҳаракатларига ҳуқуқий баҳо бериб,

–“Greenhouse Во‘ston” ХКнинг кредит қарздорлиги учун жами 120.000.000 сўм пулларни ва банк балансида бўлган ўзларига ишониб оширилган 102.501.041,22 сўм пулларни талон-торој қилиш эпизодлари



бўйича ҳаракатлари - бир гуруҳ бўлиб, мансаб мавқеини суиистеъмол қилиш йўли билан ўзига ишониб топширилган ўзганинг мулкани ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилишда ифодаланган жиноий ҳаракатларини Ўзбекистон Республикаси ЖК 167-моддаси 2-қисмининг “в,г” бандлари билан,

- “Во’ston Building Universal” хусусий корхонасининг кредит қарздорлигини сўндириш мақсадида тўланган жами 460.000.000 сўм пул маблағларини талон-торож қилиш эпизоди бўйича - такроран, бир гуруҳ бўлиб, мансаб мавқеини суиистеъмол қилиш йўли билан ўзига ишониб топширилган ўзганинг жуда кўп миқдорни ташкил қилувчи мулкани ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилишда ифодаланган жиноий ҳаракатларини Ўзбекистон Республикаси ЖК 167-моддаси 3-қисмининг “а” банди билан,

- “Во’ston Building Universal” хусусий корхонасининг кредит қарздорлигини сўндириш мақсадида тўланган жами 560.000.000 сўм пул маблағларини талон-торож қилиш эпизоди бўйича - такроран, бир гуруҳ бўлиб, мансаб мавқеини суиистеъмол қилиш йўли билан ўзига ишониб топширилган ўзганинг жуда кўп миқдорни ташкил қилувчи мулкани ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилишда ифодаланган жиноий ҳаракатларини Ўзбекистон Республикаси ЖК 167-моддаси 3-қисмининг “а” банди билан,

- “O’ZTEMIR YO’LOVCHI” акциядорлик жамиятининг ҳисоб рақамига кирим қилини лозим бўлган жами 323.597.350 сўм нақд пул маблағларини талон-торож эпизоди бўйича - такроран, бир гуруҳ бўлиб, мансаб мавқеини суиистеъмол қилиш йўли билан ўзига ишониб топширилган ўзганинг жуда кўп миқдордаги мулкани ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилишда ифодаланган жиноий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖК 167-моддаси 3-қисмининг “а” банди билан,

- жабрланувчи ХХХХнинг банкка топширган 27.500.000 сўм пулларини талон-торож қилиш эпизоди бўйича-такроран, бир гуруҳ бўлиб, мансаб мавқеини суиистеъмол қилиш йўли билан ўзига ишониб топширилган ўзганинг мулкани талон-торож қилишда ифодаланган жиноий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖК 167-моддаси 2-қисмининг “б,в,г” бандлари билан,

- жабрланувчи ХХХХнинг банкка топширган 21.410.000 сўм пулларини талон-торож қилиш эпизоди бўйича-такроран, бир гуруҳ бўлиб, мансаб мавқеини суиистеъмол қилиш йўли билан ўзига ишониб топширилган ўзганинг мулкани талон-торож қилишда ифодаланган жиноий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖК 167-моддаси 2-қисмининг “б,в,г” бандлари билан,

- банк кассаси ҳисобида бўлган 55.000.000 сўм пулларини талон-торож қилиш эпизоди бўйича-такроран, бир гуруҳ бўлиб, мансаб мавқеини суиистеъмол қилиш йўли билан ўзига ишониб топширилган ўзганинг мулкани талон-торож қилишда ифодаланган жиноий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖК 167-моддаси 2-қисмининг “б,в,г” бандлари билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Суд, судланувчи ХХХХнинг ҳаракатларига ҳуқуқий баҳо бериб,

-“Greenhouse Во’ston” ХКнинг кредит қарздорлиги учун жами 120.000.000 сўм пулларни ва банк балансида бўлган ўзларига ишониб топширилган 102.501.041,22 сўм пулларни талон-торож қилиш эпизодлари бўйича ҳаракатлари-бир гуруҳ бўлиб, мансаб мавқеини суиистеъмол қилиш йўли



билан ўзига ишониб топширилган ўзганинг мулкани ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилишда ифодаланган жиноий ҳаракатларини Ўзбекистон Республикаси ЖК 167-моддаси 2-қисмининг “в” банди билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Суд, судланувчи ХХХХнинг ҳаракатларига ҳуқуқий баҳо бериб, дастлабки тергов органи томонидан унинг айбловнинг барча эпизодлари бўйича ҳаракатларини давомли жиноят сифатида талқин этиб, Ўзбекистон Республикаси ЖК 167-моддаси 3-қисмининг “а” банди билан нотўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Суд аниқланган ҳар бир эпизод бўйича судланувчи ХХХХни ҳаракатларига алоҳида содир этилган жиноий эпизодлар сифатида баҳолаб, унинг;

-55 нафар фуқароларга маҳалла томонидан моддий ёрдам учун ажратилган жами 24.057.000 сўм пул маблағларини талон-торож қилиш эпизоди бўйича - такроран, мансаб мавқеини суиистеъмол қилиш йўли билан ўзига ишониб топширилган ўзганинг мулкани талон-торож қилишда ифодаланган жиноий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖК 167-моддаси 2-қисмининг “б,в,г” бандлари билан;

- “Во’ston Building Universal” хусусий корхонасининг кредит қарздорлигини сўндириш мақсадида тўланган жами 460.000.000 сўм пул маблағларини талон-торож қилиш эпизоди бўйича - такроран, бир гуруҳ бўлиб, мансаб мавқеини суиистеъмол қилиш йўли билан ўзига ишониб топширилган ўзганинг жуда кўп миқдорни ташкил қилувчи мулкани ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилишда ифодаланган жиноий ҳаракатларини Ўзбекистон Республикаси ЖК 167-моддаси 3-қисмининг “а” банди билан;

- “O’ZTEMIR YO’LOVCHI” акциядорлик жамиятининг ҳисоб рақамига кирим қилини лозим бўлган жами 323.597.350 сўм нақд пул маблағларини талон-торож эпизоди бўйича - такроран, бир гуруҳ бўлиб, мансаб мавқеини суиистеъмол қилиш йўли билан ўзига ишониб топширилган ўзганинг жуда кўп миқдордаги мулкани ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилишда ифодаланган жиноий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖК 167-моддаси 3-қисмининг “а” банди билан,

- жабрланувчи ХХХХнинг банкка топширган 27.500.000 сўм пулларини талон-торож қилиш эпизоди бўйича-такроран, бир гуруҳ бўлиб, мансаб мавқеини суиистеъмол қилиш йўли билан ўзига ишониб топширилган ўзганинг мулкани талон-торож қилишда ифодаланган жиноий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖК 167-моддаси 2-қисмининг “б,в,г” бандлари билан,

- жабрланувчи ХХХХнинг банкка топширган 21.410.000 сўм пулларини талон-торож қилиш эпизоди бўйича-такроран, бир гуруҳ бўлиб, мансаб мавқеини суиистеъмол қилиш йўли билан ўзига ишониб топширилган ўзганинг мулкани талон-торож қилишда ифодаланган жиноий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖК 167-моддаси 2-қисмининг “б,в,г” бандлари билан,

- банк кассаси ҳисобида бўлган 55.000.000 сўм пулларини талон-торож қилиш эпизоди бўйича-такроран, бир гуруҳ бўлиб, мансаб мавқеини суиистеъмол қилиш йўли билан ўзига ишониб топширилган ўзганинг мулкани талон-торож қилишда ифодаланган жиноий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖК 167-моддаси 2-қисмининг “б,в,г” бандлари билан якуний



тарзда квалификация қилишни лозим деб топади.

Бундан ташқари суд, дастлабки тергов органи томонидан, ХХХХ такроран жиноят содир этиш йўлига кириб, банкнинг пенсия ва нафақа тарқатиш бўйича бухгалтер назоратчиси ХХХХ билан олдиндан жиноий тил бириктириб, бир гуруҳ бўлиб, ўзганинг мулкани ўзлаштириш мақсадини кўзлаб, 2022 йил декабрь ойидан 2023 йил февраль ойига қадар ушбу банк мижози бўлган Эллиққалъа туманидаги “Сарвар” фермер хўжалиги раҳбари Саттаров Баҳодир Купалович томонидан банкдаги кредит қарздорлигини сўндириш мақсадида олиб келинган жами 398.000.000 сўмлик жуда кўп миқдоридаги пул маблағларини Эллиққалъа тумани ҳудудида олиб, ушбу маблағларни банк ғазнасига кредит қарздорлигини сўндириш учун кирим қилмасдан, ушбу пул маблағларини ўзларининг шахсий эҳтиёжларига ишлатиб юборишиб, ХХХХнинг жуда кўп миқдордаги жами 398.000.000 сўм пул маблағларини ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилганликда Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 167-моддаси 3-қисми “а” бандида назарда тутилган жиноятни содир этганликда нотўғри айб эълон қилинган деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 22-моддасида, иш бўйича исботланиши лозим бўлган барча ҳолатлар синчковлик билан, ҳар томонлама, тўла ва холисона текшириб чиқилиши кераклиги, ишда юзага келадиган ҳар қандай масалани ҳал қилишда айбланувчини ёки судланувчини ҳам фош қиладиган, ҳам оқлайдиган, шунингдек унинг жавобгарлигини ҳам енгиллаштирадиган, ҳам оғирлаштирадиган ҳолатлар аниқланиши ва ҳисобга олиниши лозимлиги, 23-моддаси 3-қисмида, айбдорликка оид барча шубҳалар, башарти уларни бартараф этиш имконияти тугаган бўлса, гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг фойдасига ҳал қилиниши, 26-моддасида суд фақат суд мажлисида текширилган далилларга асосланиб ҳукм чиқариши, ҳукм қилиш учун жиноят объекти, жиноят туфайли етказилган зиённинг хусусияти ва миқдори, содир этилган жиноятнинг вақти, жойи, усули, қилмиш ва рўй берган ижтимоий хавfli оқибатлар ўртасидаги сабабий боғланиш, жиноятнинг ушбу шахс томонидан содир этилганлиги, жиноят тўғри ёки эгри қасд билан ёхуд бепарволик ёки ўз-ўзига ишониш оқибатида содир этилганлиги, жиноятнинг сабаблари ва мақсадлари исботланган бўлиши кераклиги;

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 455-моддасида, суд ҳукми фақат суд мажлисида текширилган далиллар билан асослаши, 463-моддасида айблов ҳукми тахминларга асосланган бўлиши мумкин эмаслиги ва фақат судланувчининг жиноят содир этишда айбли эканлиги суд муҳокамаси давомида исбот қилинган тақдирдагина чиқарилиши, айблов ҳукмига жиноят содир этилишининг иш бўйича барча мумкин бўлган ҳолатларини текшириш, иш материалларида маълум бўлиб қолган ҳолатларни текшириш, иш материалларида маълум бўлиб қолган барча кам кўстни тўлдириш, юзага келган ҳамма шубҳа ва қарама-қаршилиқларга барҳам бериш натижасида йиғилган ишончли далилларгина асос қилиб олиниши лозимлиги белгиланган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг 2014 йил 23-майдаги “Суд ҳукми тўғрисида”ги Қарорининг 5-бандида “Судларнинг эътибори ЖПК 22-моддасига биноан иш бўйича ҳақиқатни аниқлаш учун фақат қонунда назарда тутилган тартибда тўпланган, текширилган ва баҳоланган



маълумотлардан фойдаланиш мумкинлигига қаратишлиги, бунда ЖПК 26, 90 ва 455-моддалари талабига биноан ҳукм фақат суд мажлисида текширилган ва суд мажлиси баённомасида ўз аксини топган далилларга асосланган бўлиши лозимлиги ҳақида раҳбарий тушунтириш берилган.

Мазкур ҳолат бўйича судда сўроқ қилинган жабрланувчи ХХХХ ўзи раҳбарлик қилаётган “Сарвар” фермер хўжалигини ХХХХ ишлаб келган банк муассасидан олинган кредит маблағлари бўйича қарздорлиги мавжуд бўлганини, ХХХХ ундан кредит бўйича қарздорликни сўндиришни талаб қилганини, аммо ўша пайтда фермер хўжалигида қарздорликни сўндириш учун пул маблағлари бўлмагани сабабли, “Тўрткўл Кластер” корхонасидан сотиб олинган 300.000.000 сўмлик ем-хашакларни ХХХХ ва ХХХХга бериб юборгани, аммо ушбу ем-хашакларни улар сотиб юбориб, пулларни фермер хўжалигининг банк олдидаги кредит қарздорлигини сўндирмасдан, ўзларини эҳтиёжига ишлатиб юборганини, бундан ташқари у таниши Ш.Бобожоновдан 80.000.000 сўм нақд пулда қарз олиб, масжид олдида шахсан ХХХХга бериб юборганини, шунингдек ХХХХ уни танишидан кредит бўйича қарздорликни сўндириш учун 11.000.000 сўм нақд пулларни олиб кетганини, шунингдек ХХХХга фермер хўжалигига тегишли сут маҳсулотларини савдосидан тушган 7.000.000 сўмни нақд пул кўринишида бериб юборганини маълум қилиб, мазкур ҳолатда ХХХХ ва ХХХХ унга 398.000.000 сўм зарар етказганини маълум қилиб кўрсатув берди.

Судда ХХХХни “Тўрткўл кластер” корхонасидан олинган 300.000.000 сўм пул маблағларини ёлланма ҳайдовчилар юк автомашиналарда олиб кетгани аниқланди. Мазкур юк автомашиналарда олиб кетилган ем-хашакларни айнан ХХХХ ва ХХХХ сотиб юборганлигини тасдиқловчи инкор этиб бўлмас далиллар аниқланмади.

Бундан ташқари гувоҳ тариқасида сўралган Ш.Бобожонов ҳақиқатда у таниши ХХХХга 80.000.000 сўм пулларни қарзга бериб турганини, лекин ушбу пулларни ХХХХ масжидни олдида кимга олиб бориб берганини кўрмаганини маълум қилиб кўрсатув берди.

ХХХХни судланувчи ХХХХга 11.000.000 сўм ва 7.000.000 сўм пулларни бергани тасдиқланган бўлсада, ушбу пул маблағлари ХХХХга тегишли “Сарвар” фермер хўжалигининг кредит қарздорлигини сўндириш учун қаратилганини тасдиқловчи тўлов ҳужжатлари жиноят иши ҳужжатларида мавжуд. Ушбу пул маблағларини талон-торож қилинган деб ҳисоблаш учун судда асослар мавжуд эмас.

Тергов органини мазкур айблов эпизоди бўйича хулосаси фақат тахмин ва шубҳаларга асосланган бўлиб, суд мажлисида мазкур айблов эпизоди бўйича айбдорликка доир шубҳаларни бартараф этишни имконияти бўлмади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 28-моддаси ва ЖПКнинг 23-моддасида эътироф этилган айбсизлик презумпциясига асосан айбдорликка оид барча шубҳаларни бартараф этиш имконияти тугагани боис уни судланувчилар ХХХХ ва ХХХХни мазкур айблов эпизоди бўйича жиноят ҳодисаси рўй берганлиги ўз тасдиғини топмагани сабабли, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 83-моддаси 1-бандига асосан оқлашни лозим деб топади.



Бундан ташқари суд дастлабки тергов органи томонидан ХХХХ ХХХХ билан олдиндан жиноий тил бириктириб, бир гуруҳ бўлиб, банк мижози Сабуров Кудрат Эркабаевич томонидан 2024 йил 28 февраль куни омонатни шакллантириш учун тақдим қилган жами 41.000.000 сўм миқдоридаги пул маблағларини нақд шаклда банк ҳисоб рақамига кирим қилиб, ушбу пулларни олиб қолиб, шу вақтнинг ўзида омонат маблағларини чиқим қилиб, ушбу ҳолат юзасидан расмийлаштирилган чиқим ордерини ХХХХга тушунтирмасдан имзолатиб, шу йўл билан унинг жами 41.000.000 сўм миқдоридаги пулларини ўзлаштиришганликда Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 167-моддаси 2-қисми “б,в,г” бандлари билан нотўғри айб эълон қилган деб ҳисоблайди.

Аниқланишича мазкур ҳолат бўйича Иқтисодий жиноятларга қарши кураш Департаменти Эллиққалъа туман бўлими бошлиғининг 2024 йил 17 августдаги қарори билан Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 83-моддаси 2-бандига асосан жиноят иши қўзғатиш рад этилиб, ХХХХни ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси МЖТК 200-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарлик сифатида квалификация қилиниб, маъмурий иш ҳужжатлари судга юборилган.

Жиноят ишлари бўйича Эллиққалъа туман судининг 30.08.2024 йилдаги қарори билан ХХХХ Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 200-моддасида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликни содир этганликда айбли деб топилиб, унга жарима жазоси тайинланган.

Ҳозирги кунга қадарли жиноят иши қўзғатишни рад этиш ва суднинг маъмурий жавобгарликка тортиш ҳақидаги қарорлари ўз кучида.

Ўзбекистон Республикаси ЖПК 84-моддаси 1-қисмининг 4 ва 5-бандларига асосан шахсга нисбатан айнан шу айблов бўйича суднинг қонуний кучга кирган ҳукми бўлса; шахсга нисбатан айнан шу айблов бўйича ваколатли мансабдор шахснинг жиноят иши қўзғатишни рад этиш ҳақида бекор қилинмаган қарори бўлса, шахснинг жиноят содир этилишида айблилиги тўғрисидаги масалани ҳал қилмай туриб жиноят иши тугатилиши лозимлиги назарда тутилган.

Суд, судланувчилар ХХХХ ва ХХХХга нисбатан мазкур айблов эпизоди бўйича жиноят ишини қисмини Ўзбекистон Республикаси ЖПК 84-моддаси 1-қисмининг 4 ва 5-бандларига асосан уларнинг айблилиги тўғрисидаги масалани ҳал қилмай туриб тугатишни лозим деб ҳисоблайди.

Суд судланувчиларга нисбатан жазо тайинлашда Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 33-моддаси талабларига риоя қилади.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 9-моддасида, шахс қонунда белгиланган тартибда айби исботланган ижтимоий хавфли қилмишлари учунгина жавобгар бўлиши белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 22-моддасида, иш бўйича исботланиши лозим бўлган барча ҳолатлар синчковлик билан, ҳар томонлама, тўла ва ҳолисона текшириб чиқилиши кераклиги, ишда юзага келадиган ҳар қандай масалани ҳал қилишда айбланувчини ёки судланувчини ҳам фош қиладиган, ҳам оқлайдиган, шунингдек унинг жавобгарлигини ҳам енгиллаштирадиган, ҳам оғирлаштирадиган ҳолатлар аниқланиши ва ҳисобга олиниши лозимлиги, 23-моддаси 3-қисмида, айбдорликка оид барча шубҳалар, башарти уларни бартараф этиш имконияти тугаган бўлса, гумон қилинувчи,



айбланувчи ёки судланувчининг фойдасига ҳал қилиниши, 26-моддасида суд фақат суд мажлисида текширилган далилларга асосланиб ҳукм чиқариши, ҳукм қилиш учун жиноят объекти, жиноят туфайли етказилган зиённинг хусусияти ва миқдори, содир этилган жиноятнинг вақти, жойи, усули, қилмиш ва рўй берган ижтимоий хавфли оқибатлар ўртасидаги сабабий боғланиш, жиноятнинг ушбу шахс томонидан содир этилганлиги, жиноят тўғри ёки эгри қасд билан ёхуд бепарволик ёки ўз-ўзига ишониш оқибатида содир этилганлиги, жиноятнинг сабаблари ва мақсадлари исботланган бўлиши кераклиги;

ЖПКнинг 455-моддасида, суд ҳукми фақат суд мажлисида текширилган далиллар билан асослаши, 463-моддасида айблов ҳукми тахминларга асосланган бўлиши мумкин эмаслиги ва фақат судланувчининг жиноят содир этишда айбли эканлиги суд муҳокамаси давомида исбот қилинган тақдирдагина чиқарилиши, айблов ҳукмига жиноят содир этилишининг иш бўйича барча мумкин бўлган ҳолатларини текшириш, иш материалларида маълум бўлиб қолган ҳолатларни текшириш, иш материалларида маълум бўлиб қолган барча кам кўстни тўлдириш, юзага келган ҳамма шубҳа ва қарама-қаршилиқларга барҳам бериш натижасида йиғилган ишончли далилларгина асос қилиб олинishi лозимлиги белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 7-моддасига кўра, жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо тайинланиши ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилиши керак.

Шу Кодекснинг 8-моддасига биноан, жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилона бўлиши, яъни жиноятнинг оғир-енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши лозим.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги 1-сонли “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги қарори 1-бандида судларнинг эътибори жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилишга қаратишлари лозимлиги, 3-бандида Жиноят кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши - ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги, 2014 йил 23 майдаги 7-сонли “Суд ҳукми тўғрисида”ги Қарорининг 28-бандида судларнинг эътибори, ҳукм чиқаришда уларнинг жазо тайинлашнинг умумий асослари тўғрисидаги қонун талабларига оғишмай риоя қилиш шартлиги, жиноят қонунининг асосий тамойилларидан бири инсонпарварлик тамойили эканлиги ва унинг мазмунига кўра жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилиши кераклигига қаратилиши лозимлиги ҳақида тушунтириш берилган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20-моддаси талабига кўра, давлат органлари томонидан инсонга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари мутаносиблик принципига асосланиши ва қонунларда назарда



тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши керак.

Суд, юқоридаги раҳбарий кўрсатмаларга амал қилган ҳолда, судланувчи ХХХХга нисбатан жазо тури ва миқдорини тайинлашда, айбига қисман иқрорлиги ва қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, шахсини, қарамоғида вояга етмаган фарзандлари борлигини, жиноятлар натижасида етказилган зарарларнинг қопланганлигини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб баҳолаб, жазосини оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжуд бўлмасада, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилиқ даражасини, унга нисбатан у айбли деб топилаётган ЖК 167-моддаси 3-қисми санкциясида назарда тутилган ахлоқ тузатиш ишлари жазосини тайинлашни ҳамда жиноятни давлат иштирокидаги ташкилотнинг ходими бўлгани ҳолда бевосита хизмат фаолияти билан боғлиқ ҳолда содир этганлигини инобатга олиб, унга нисбатан ЖКнинг 45-моддасини қўллаб, муайян ҳуқуқдан, яъни банк тизимида ҳамда мансабдорлик ва моддий жавобгарлик лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиш тариқасида қўшимча жазо турини қўллашни лозим деб топади.

Судланувчи ХХХХга нисбатан жазо тури ва миқдорини тайинлашда, айбига қисман иқрорлиги ва қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, шахсини, қарамоғида вояга етмаган фарзандлари борлигини, муқаддам судланмаганлигини, жиноятлар натижасида етказилган зарарларнинг қопланганлигини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб баҳолаб, жазосини оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжуд бўлмасада, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилиқ даражасини, унга нисбатан у айбли деб топилаётган ЖК 167-моддаси 2-қисми санкциясида назарда тутилган ахлоқ тузатиш ишлари жазосини тайинлашни ҳамда жиноятни давлат иштирокидаги ташкилотнинг ходими бўлгани ҳолда бевосита хизмат фаолияти билан боғлиқ ҳолда содир этганлигини инобатга олиб, унга нисбатан ЖКнинг 45-моддасини қўллаб, муайян ҳуқуқдан, яъни банк тизимида ҳамда мансабдорлик ва моддий жавобгарлик лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиш тариқасида қўшимча жазо турини қўллашни лозим деб топади.

Судланувчи ХХХХга нисбатан жазо тури ва миқдорини тайинлашда, айбига қисман иқрорлиги ва қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, шахсини, қарамоғида вояга етмаган фарзандлари борлигини, муқаддам судланмаганлигини, жиноятлар натижасида етказилган зарарларнинг қопланганлигини жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб баҳолаб, жазосини оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжуд бўлмасада, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилиқ даражасини, унга нисбатан у айбли деб топилаётган ЖК 167-моддаси 3-қисми санкциясида назарда тутилган ахлоқ тузатиш ишлари жазосини тайинлашни ҳамда жиноятни давлат иштирокидаги ташкилотнинг ходими бўлгани ҳолда бевосита хизмат фаолияти билан боғлиқ ҳолда содир этганлигини инобатга олиб, унга нисбатан ЖКнинг 45-моддасини қўллаб, муайян ҳуқуқдан, яъни банк тизимида ҳамда мансабдорлик ва моддий жавобгарлик лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиш тариқасида қўшимча жазо турини қўллашни лозим деб топади.

Шу билан биргаликда суд етказилган зарарни ундириш масаласини муҳокама қилиб, иш бўйича етказилган зарарни қоплаш мақсадида 2024 йил 17-18 декабрь кунларидаги тўлов патталарига асосан Ўзбекистон Республикаси



ҳарбий прокуратураси депозит ҳисоб рақамига қўйилган жами 6.697.000 сўм пул маблағларини АТ “Халқ банки” Қорақалпоғистон Республикаси минтақавий марказининг ҳисоб рақамига;

-2024 йил 24 декабрдаги тўлов паттасига асосан Ўзбекистон Республикаси ҳарбий прокуратураси депозит ҳисоб рақамига топширилган жами 21.288.320 сўм пул маблағларини жабрланувчи А.Уразаливанинг фойдасига ўтказишни лозим деб топади.

Судланувчилар ХХХХ ва ХХХХдан солидар тартибда жабрланувчи ХХХХнинг фойдасига етказилган зарарнинг қопланмасдан қолган қисми 121.680 сўм ундиришни лозим деб топади.

Жабрланувчилар ХХХХ ва ХХХХнинг ўзларига етказилган зарарлар судланувчи ХХХХ томонидан тўлиқ қоплаб берилганлиги ҳақидаги аризаларини инобатга олишни лозим деб топади.

Фуқаровий даъвогар вакили ХХХХнинг судланувчилар томонидан “O‘ZTEMIR YO‘LYO‘LOVCHI” АЖга етказилган зарарлар тўлиқ қоплани ва судланувчиларга моддий даъвоси йўқлиги ҳақидаги кўрсатувларини инобатга олишни лозим топади.

Суд, иш бўйича Нукус Ҳарбий прокурори томонидан судланувчилар ХХХХ ва ХХХХдан “Сарвар” фермер хўжалиги раҳбари ХХХХга 398.000.000 сўм ундириш ҳақида даъво аризасини жиноят ишини ушбу эпизоди Ўзбекистон Республикаси ЖПК 83-моддасининг 1-бандига асосан тугатилганлиги сабабли қаноатлантормасдан қолдиришни лозим деб топади.

Шунингдек суд, ашёвий далил деб эътироф этилиб жиноят иши ҳужжатларига илова қилинган ХХХХ томонидан тақдим қилинган 1 дона 2 GB ҳажмдаги “Samsung” номли флеш хотирасини жиноят иши ҳужжатларида сақлаш учун қолдиришни лозим деб топади.

Ўз навбатида суд, жабрланувчилар ва фуқаровий даъвогарларга жиноят натижасида етказилган кўшимча моддий ва маънавий зарарларни ундириш масаласида фуқаровий иш юритув тартибида мурожаат қилиш ҳуқуқи борлиги тушунтиришни лозим топади.

Юқоридагиларга кўра, ҳамда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20,28-моддалари ва ЖПКнинг 454-457, 460, 463, 465-468, 471-473-моддаларига асосан, суд

Ҳ У К М Қ И Л А Д И :

ХХХХ (ХХ)нинг ҳаракатларида жабрланувчи ХХХХга оид эпизод бўйича Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси 167-моддаси 3-қисмининг “а” бандида назарда тутилган жиноят таркиби бўлмагани сабабли, жиноят ишининг ушбу айб эпизодлари бўйича ЖПКнинг 83-моддасининг 1-бандига асосан айбсиз деб топилиб, реабилитация этилиб оқлансин.

ХХХХнинг ҳаракатларида жабрланувчи ХХХХга оид эпизод бўйича Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси 167-моддаси 2-қисмининг “б,в,г” бандларида эълон қилинган айблов Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 84-моддаси 1-қисми 4 ва 5-бандларига асосан унинг айблилиги тўғрисидаги салани ҳал қилмай туриб тугатилсин.



XXXX Ўзбекистон Республикаси ЖК 167-моддаси 3-қисмининг “а” бандида назарда тутилган жиноятларни содир этганликда айбли деб топилсин.

XXXXга Ўзбекистон Республикаси ЖК167-моддаси 3-қисмининг “а” банди билан, ЖКнинг 45-моддасини қўллаб 2 (икки) йил банк тизимида ҳамда мансабдорлик ва моддий жавобгарлик юклатилган вазифаларда ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилган ҳолда, иш ҳақининг 20 (йигирма) фоиз миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 (икки) йил 6 (олти) ой ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

XXXXга тайинланган ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ушбу жазони назорат қилувчи органлар белгилаб берган жойларда ўташи белгилансин, жазо ўташ муддати **XXXX** Эллиққалъа туман ИИБ пробация гуруҳида рўйхатга олинган кундан ҳисоблансин.

Ҳукм қонуний кучига киргач судланувчи **XXXX**га қўлланилган гаров эҳтиёт чораси бекор қилинсин ва гаровга қўйилган 10.000.000 сўм пул маблағи **XXXX**нинг яқин қариндошига қайтарилсин.

XXXXга нисбатан жиноят ишлари бўйича Нукус шаҳар судининг 2025 йил 6 майдаги ажрими билан “қамоққа олиш” эҳтиёт чораси қўлланилгани инобатга олинсин.

XXXX (XX)нинг ҳаракатларида жабрланувчи **XXXX**га оид эпизод бўйича Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси 167-моддаси 3-қисмининг “а” бандида назарда тутилган жиноят таркиби бўлмагани сабабли, жиноят ишининг ушбу айб эпизодлари бўйича ЖПКнинг 83-моддасининг 1-бандига асосан айбсиз деб топилиб, реабилитация этилиб оқлансин.

XXXX Ўзбекистон Республикаси ЖК 167-моддаси 2-қисмининг “в” бандида назарда тутилган жиноятларни содир этганликда айбли деб топилсин.

XXXXга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 167-моддаси 2-қисми “в” банди билан, ЖКнинг 45-моддасини қўллаб, 2 (икки) йил банк тизимида ҳамда мансабдорлик ва моддий жавобгарлик юклатилган вазифаларда ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилган ҳолда иш ҳақининг 20 (йигирма) фоиз миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 (икки) йил ахлоқ тузатиш ишлари ҳамда жазоси тайинлансин.

XXXXга тайинланган ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ушбу жазони назорат қилувчи органлар белгилаб берган жойларда ўташи белгилансин, жазо ўташ муддати **XXXX** Эллиққалъа туман ИИБ пробация гуруҳида рўйхатга олинган кундан ҳисоблансин.

Ҳукм қонуний кучига киргач судланувчи **XXXX**га қўлланилган гаров эҳтиёт чораси бекор қилинсин ва гаровга қўйилган 10.000.000 сўм пул маблағи **XXXX**га қайтарилсин.

XXXX (XX)нинг ҳаракатларида жабрланувчи **XXXX**га оид эпизод бўйича Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси 167-моддаси 2-қисмининг “б,в,г” бандларида эълон қилинган айблов Ўзбекистон Республикаси ЖПК 84-моддаси 1-қисмининг 4 ва 5-бандларига асосан унинг айблилиги тўғрисидаги масалани ҳал қилмай туриб тугатилсин.



XXXX Ўзбекистон Республикаси ЖК 167-моддаси 3-қисмининг “а” бандида назарда тутилган жиноятларни содир этганликда айбли деб топилсин.

XXXXга Ўзбекистон Республикаси ЖК 167-моддаси 3-қисмининг “а” банди билан, ЖКнинг 45-моддасини қўллаб 2 (икки) йил банк тизимида ҳамда мансабдорлик ва моддий жавобгарлик юклатилган вазифаларда ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилган ҳолда, иш ҳақининг 20 (йигирма) фоиз миқдорини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 2 (икки) йил 6 (олти) ой ахлоқ тузатиш ишлари ҳамда жазоси тайинлансин.

XXXXга тайинланган ахлоқ тузатиш ишлари жазосини ушбу жазони назорат қилувчи органлар белгилаб берган жойларда ўташи белгилансин, жазо ўташ муддати **XXXX** Элликқалъа туман ИИБ пробация гуруҳида рўйхатга олинган кундан ҳисоблансин.

Ҳукм қонуний кучига киргач судланувчи **XXXX**га қўлланилган гаров эҳтиёт чораси бекор қилинсин ва гаровга қўйилган 10.000.000 сўм пул маблағи **XXXX**га қайтарилсин.

Ҳукм қонуний кучига киргач 2024 йил 17-18 декабрь кунларидаги тўлов патталарига асосан Ўзбекистон Республикаси ҳарбий прокуратураси депозит ҳисоб рақамига қўйилган жами 6.697.000 сўм пул маблағларини АТ “Халқ банки” Қорақалпоғистон Республикаси минтақавий марказининг ҳисоб рақамига ўтказилсин;

-2024 йил 24 декабрдаги тўлов паттасига асосан Ўзбекистон Республикаси ҳарбий прокуратураси депозит ҳисоб рақамига топширилган жами 21.288.320 сўм пул маблағларини жабрланувчи А.Уразаливининг фойдасига ўтказилсин.

-судланувчилар **XXXX** ва **XXXX**дан солидар тартибда жабрланувчи **XXXX**нинг фойдасига етказилган зарарнинг қопланмасдан қолган қисми 121.680 сўм ундирилсин.

Жабрланувчилар **XXXX** ва **XXXX**нинг ўзларига етказилган зарарлар судланувчи **XXXX** томонидан тўлиқ қоплаб берилганлиги ҳақидаги аризаларини инобатга олинсин.

Иш бўйича **XX**га етказилган зарарлар тўлиқ қопланганлиги инобатга олинсин.

Ашёвий далил деб эътироф этилиб жиноят иши ҳужжатларига илова қилинган **XXXX** томонидан тақдим қилинган 1 дона 2 GB ҳажмдаги “Samsung” номли флеш хотирасини жиноят иши ҳужжатларида сақлаш учун қолдирилсин.

Жабрланувчилар ва фуқаровий даъвогарларга жиноят натижасида етказилган қўшимча моддий ва маънавий зарарларни ундириш масаласида фуқаровий иш юритув тартибда мурожаат қилиш ҳуқуқи борлиги тушунтирилсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб, ўн сутка муддат ичида, судланувчилар, жабрланувчилар ва фуқаровий даъвогарлар ҳукмнинг кўчирма нусхасини олгандан сўнг шу муддат ичида ушбу суд орқали Қорақалпоғистон Республикаси суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига апелляция тартибда, ушбу муддат ўтгандан сўнг эса кассация тартибда шикоят бериши ёки прокурор протест келтириши мумкин.

Раислик қилувчи

Ш.Розимов

